



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ


# ЖАМИЯТ

№ 24-25 (706)  
2020 йил  
24 июль,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этилади www.bcm.uz jamiyat

## Мақтабда ўқимаса ҳам бўлаверади...ми?

«Репетитор» деган сўз бизга қачон кириб келганига аҳамият қаратсак, таълимнинг сифат даражаси қачондан бой берила бошлагани аён бўлади...



## Биз ҳаммамиз касалмиз

...Ҳожибой Тожибоевнинг бир ҳажвиясини барча эслайди. Унда ўзбек одам кўшнисининг уйи баландроқ бўлиб қолгани учун ўзининг уйига яна битта қават куради.



## “Ўзимизники” бу кимники?!

## Инсоф борми, “аптекачилар”?

## Ташкилот ҳақми, мижоз?



**ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИҢ!**

Январь-июнь ойларида Ўзбекистонга 4,8 млрд доллар хорижий инвестициялар киритилган.

Одам залолатга ботган, қабиҳлик, фаҳш, бузуқлик одатга айланган, одам боласи бир-бирини ўлдиршдан завқланадиган, ўзи ясаган ҳайкалчаларга сифинишдан фахрланадиган, пуштикамаридан тугилган фарзанд, агар у қиз бўлса, ўлдирадиган, қаллоблик, чақимчилик, фитна авж олган давр — Жоҳилият замонини, гарчи нафрат ва газаб ила эсласа-да, инсоният асло унутмайди. Ки, унда болалар оталардан ҳаё қилмас, оналардан уялмас эди. Осмон қорайиб, замин торайган ўша замонда Аллоҳ таоло одамларга эзгулик улашин, дея ўз ҳабиби — Муҳаммад (с.а.в)ни Расул этиб юборди. Мана, ўн тўрт асрдирки, ул зот дунёнинг энг суякли кишиси бўлиб қолмоқда. Еру самони қирликдан халос этган, қабларга нур, ҳаётга сурур бахш айлаган зоти мунаввар туфайли инсоният эзгулигининг умри боқий эканлигини англаб етди.

ётшунос, профессор Сулаймон Кзилтопрак эса Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар самимиятга йўғрилганини таъкидлар экан, жумладан шундай деган эди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғуннинг таклифига биноан 2017 йил 25 октябрь куни давлат ташифи билан Туркияга келди. Бу таширф икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янги поғонага кўтаришида муҳим омил бўлди. Шавкат Мирзиёев Туркияга

Ер юзининг барча минтақасида маълум ва машҳур. Жумладан, ислом дини равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдек зоти мукаррамнинг таълимоти бугунги давримиз учун ҳам ўта муҳим ва долзарбдир. Худди шунингдек, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғилоний, Замахшарий сингари улуг мураббийларнинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлиш ҳар бир инсонга, айниқса, ёшлар учун қони фойдадир. Президентингиз ана шу мутафаккирларнинг

# УЛУҒЛИК ШАРОФАТИ

Халқ дарду ташвиши асосий ўринда кўрилатгани, оддий одамлар ҳаётини яхшилаш ниятида амалга оширилатган бугунги ислохотлар Соҳибнинг сайё-ҳаракатлари замирида ҳам ана шундай ЭЗГУЛИК муассасам, десак асло муболага эмас.

Чунки Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимизни яхши кўради. Шу меҳр боис йиллар давомида юрагида йғилиб қолган дардини сайловлар арасида очик-ошкортга қўйиб солиди. Халқ ҳаётини идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деди. Бу фикр ҳаммамизни беҳад хурсанд қилди. Ахир, бирор раҳбарнинг олдиға кириш, қабулида бўлиш жуда азобға айланган, бир амаллаб кирганда ҳам муаммосига ечим топмаганлар Шавкат Мирзиёевнинг самимий фикрларидан куч олди, уйғонди. Онг, фикр ўзгарди, бефарқлик, лоқайдлик каби иллатларга ботганимизни билиб қолдик.

Юртбошимизнинг ҳамма нарсани очикчасига айтаетгани, нима муаммо, қандай масала бўлса, халқимиз ҳукмига ташлаб, бамаслаҳат ечим топаётгани халқимизга манзур бўлмоқда. Айниқса, қуни кеча вилоят раҳбарларига ижтимоий тармоқлардаги саволларга жавоб бериш вазифаси юклатилгани ҳам айни муддао бўлди. Негаки, асосий юмуши халқни рози қилиш бўлган, аммо бу вазифани унутиб қўйган айрим раҳбарларнинг қабулиға кириш тугул, у ўтирадиган биноға яқинлашиш ҳам мушкул. Ўзга сайёрадан келгандек халқ дардидан беҳабар, боҳабар бўлса-да, бундан ўзини олиб қочадиган мутасаддиларнинг ишхонаси панжа-ра би-

лан ўралганига нима дейсиз? Аслида Президентимиз таъкидлагандай, уларга ишонган, сайлаган, иссиқ-совуғимдан хабардор бўлин, деб юкинган халқимиз экан, нега баъзи амалдорлар халқдан қочади?

Умид қиламизки, улар юрт раҳбарининг халқларварлик сийёсатига мослашади.

Биз йиллардирки, қошу кўздек яқин қўшилариимиз билан димоқ-фироқда юрдик. Гоҳ ўзимизни улардан баланд қўйдик, гоҳида уларни унутдик. “Узоқдаги куйрукдан яқиндаги сомон афзал”лигини эсдан чиқардик. Энди ҳаммаси ортда қолди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва ШАХС сифатида қарашлари ўлароқ, биз дунёға юзлашиш учун, аввало, қўшиллар билан муносабатларни мустаҳкамладик. Тиканлар, зирҳлар олиб ташланди. Симли тўсиқлар ўрнини қардошлик, дўстлик, биродарлик ҳақидаги нақллар тўлдирди. Бундан нафақат биз, балки қўшни мамлакатлар аҳолиси ҳам беҳад таъсирланди. Кўп йиллар давомида борди-келдиси йўқолган одамлар бир-бирининг бағриға тапинди. Меҳр-га, дийдорға зор

опа-сингиллар, қуда-андалар бир-бирининг нафасини, тафтини ҳис қилди. Тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар, афгонлар Ўзбекистон қайдасан, деб соғинч ила йўлга чиқди. Биз ҳам уларни йўқлаб бораётимиз. Қанчалик гўзал манзара!

Маҳалламизда Умрқул ота деган нуруний бор. У киши қаҳатчиликни ҳам кўрган, уруш йилларидаги очарликка ҳам гувоҳ бўлган. Умрқул бобонинг айтишича, ҳеч бир замонда халққа қайишиш ҳозиргидек бўлмаган. Отахон бунга сабаб қилиб Шавкат Мирзиёевнинг туғма халқларвар эканлигини айтиди. “Табиат ҳар кимға кўрайди фидоиликни раво кўрмайди. Юртбошимиз оддий одамларнинг қалбини эгаллади. Чекка худудларни яёв кезиб, камсуқум, ўртаҳол оилаларға бориб, уларнинг аҳволини ўрганди. Ҳатто бир оиладаги таъзияни эшитиб, у ерга борди, тўйларда қатнашди. Ўз халқини чин юракдан севган, ардоқлаган инсонгина шундай ишларни қилади. Демак, ҳар биримиз ана шу ноёб фазилати туфайли Юртбошимизға ҳавас қилсак, ибрат олсак, эргашсак арзийди”, дейди нуруний.

Маънавий юксалишсиз, таълим ва тарбияға эътиборсиз чинакам ривожланишға эришиш мушкул экани бугун янада ойдинлашмоқда. Шу маънода, маънавий-маърифий соҳаға қаратилаётган гамхўрликнинг моҳиятини англаш қийин эмас. Айниқса, муқаддас ислом динини улуғлаш, мамлакат миқёсида Куръон мусобақасининг ўтказилиши, ёт оқимларға адашиб кириб қолганларни кечириш ҳамда уларға имкон бериш, бу нафақат бағрикенглик, шу билан бирга беқийёс одамийлик намунасидир.

Туркиялик адаби-

таширф буюрганида жуда кўп жойлар қатори тарихий масжидларимизға ҳам қадам ранжида қилди. Шавкат Мирзиёевнинг чин илоҳ ва катта диққат-эътибор билан масжидларни томоша қилганидан ҳайратландим. У оддий меҳмонлардан эмаслиги, тарихий жойларни шунчаки кўздан кечирмаганилиги билан менда ёрқин таассурот қолдирди. Англадимки, у ота-бобларимиз эътиқод қилган ислом динини юксак қадрлаши билан ибратта лойиқдир.

Бугун Ўзбекистон жуда кўп соҳаларда дадил одимлашмоқда. Иқтисодий тараққиёт билан бир қаторда маънавий юксалишға эришилаётгани эса қўшалоқ музаффарликдир. Президент қўшни ва қардош давлатлар билан кўп йиллардан бери узилиб қолган, расмиётчиликдан нариға ўтилмайдиган ришталарни тиклади. Нафақат тиклади, балки унга янгича руҳ берди.

Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги раиси ўринбосари, таниқли ёзувчи Раҳод Мажид фикрича, Шавкат Мирзиёев тарихини ўзгартирди, эскича қарашлар, қотиб қолган анъаналарға чек қўйди. “Президентингиз ташаббуси билан минтақада дўстона муҳит пайдо бўлди. Илгари ҳамма ўз ҳолича эди. Энди эса давлат раҳбарлари бир-бириға нафақат ҳамкасб сифатида, балки дўст ва елкадош, самимий ҳамкор деб қарамоқда. Бугунги давр Шавкат Мирзиёевдек шахсининг иқтидорға келишиға муҳтож эди”, дейди ёзувчи.

Деҳлидаги Жамия Миллийа Исламия университетининг профессори Шоҳид Таслим Ўзбекистонни алоҳида меҳр билан тилға олади. У юртимизға турли халқаро анжуманлар туфайли тез-тез келиб туради. Ўзбекчани мукамал билади. Навоий ва Бобур, Машраб каби бобокалонларимизнинг кўллаб ғазалларини ёлдан билади.

— Ўзбекистон — алломалар юрти, — дейди Шоҳид Таслим. — Бу заминда камол топган муҳаддислар, олим уламолар, табиблар, шоирлар

асарларини кенг ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бергани таҳсинға сазовор. Тарихи, ўзлиги эъзозланган юртда ўсиш, ўзгариш бўлишини бугун Ўзбекистон мисолида кўриб турибмиз.

Давлатимиз раҳбарининг олис ва яқин мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқани мустаҳкамлашға киришгани халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётгани бизни гурурлантиради. Бунинг замирида Ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш орқали бошқа давлатлар, хусусан, нотинч мамлакатлардаги вазиятни барқарорлаштиришдек улугвор мақсад ҳам муҳасаса. Шавкат Мирзиёев ўз халқи ҳақида қандай қайғурса, Афғонистон тақдирини ҳам шу даражада эътиборли. Ахир, “Кўшунинг тинч — сен тинч” деган нақл бор халқимизда. Бинобарин, мамлакатимиз етакчиси қачон, қаерда бўлмасин, қўшни юрт аҳоли ҳақида қуяниб гапиради. Айниқса, БМТнинг 72 сессиясида у киши томонидан илгари сурилган таклифлар, билдирилган фикрлар бугун дунё аҳлини уйға толдирди, мушоҳадаға чорлади.

**Ҳар бир мамлакатнинг эртанги тақдири бугун вояға етаётган ўғил-қизлар қўлида. Уларнинг замонавий билим олишлари учун шарт-шароит яратиб берилгандагина кўзланган манзилларға эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, бугунги танланган йўл оқиллик, узоқни кўра билиш ифодасидир.**

Аждодлардан мерос қадрият ва урф-одатларни улуғлаш, уларнинг муборак изидан бориш, ёшларға кенг имкон бериш, бошини силлаш, одамларни эъзозлаш, халқнинг розилигини олишға интилиш — бу чин



КИСКА САТРАЛДАРДА УҚИНИ!

АҚШ Массачусетс технология институтини муҳандислари қайта ишлатиш мумкин бўлган, арзон ва N95 респиратори билан бир хил ҳимоя қиладиган силикон ниқоб ишлаб чиқди.



қомиллик белгиси, аслида. Биз бугун ана шу етуқликни, олиб борилаётган сиёсатда эса мукамалликни кўряпмиз. Шу боис ишончимиз юксак, умидимиз улкан. Зеро, ишонч ва умид эртанги ёруғ истиқбол сари дадил одимлашга, буюк келажакни биргаликда қуришга ундайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрда Парламентга йўллаган мурожаатларини тез-тез эшитиб тураман. Ундаги юракдан айтилган гапларни тинглаб аллома Абулайс Самарқандийнинг “Танбеҳ ул-гофилийн” асарини ўқигандек бўлавераман. Ва яна бир ривоят эсга тушади.

Бузуқлик, адолатсизлик авж олган бир маскандаги аҳволдан газабланган Аллох таоло Жаброил алайҳиссаломга ўша шаҳарни кунпаякун қилишни буюрибди. Ҳазрат Жаброил қарасалар, ўша манзилда бир олим кечаси ухламасдан илм ўрганмоқда экан.

“Ё, Аллоҳим, — дебдилар Жаброил. — Мени синамоқчи бўлдингми, бу жойда кунни тунга улаб маърифат излаётган бир бандан бор экан, жазолашга журъатим етмайпти.”

“Айнан ўша олимнинг уйдан бошла офатни, — буюрибди Парвардигор. — Илми бўлиб амали бўлмаган, ён-атрофда бузуқликни кўриб туриб индамаган бундай олим садқаи илм, садқаи умр кетсин.”

Юртбошимизнинг куюниб айтган гаплари ана шундай бефарқ, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, ўтирган амалини сақлаб қолиш учун ҳеч қандай қабилликдан қайтмайдиганларга бир зарба бўлди.

Аммо, бу дақкилар бундайларга таъсир этармикан? Ҳалол инсонлар ҳам кўп, аммо баъзи Жигилдонлар пора олишдан, ҳисоботларни сохталаштиришдан қайтармикан? Президентимиз яна бир видеоселекторда прокурорларнинг форма кийиб томошабин ўтириш вақти ўтганлигини, текшир-текшир, қама-қама эмас, аксинча одамлар онгини ўзгартириш вақти етганини, аввалги прокурор ҳамма жойни порахўрликка айлантириб юборганини айтган экан, Худойим бизга шундай адолатли, халқпарвар инсонни раҳбар қилиб юборганидан бошимиз осмонга етди.

Бир йилгитни билардим, ўтгиздан энди ошган. У коллеж директори эди. Аввалги директор коллежни ҳар томонлама еб битирган эди: жиҳозларни сотган, ўқувчилар номидан кредит олиб, маза қилиб юрган, давоматни адоий та-

мом қилган, ўқитувчилар эса кўчадаги алкашдан фарқи қолмаган эди. Ёш йилгит жиловни қўлга олино ўқитиш сифатини ҳам ўзгартирди, давоматни юз фоизга кўтарди. Жамоат ишларидан қолмади. Ўқитувчилар дўконларда сарғайиб юрмайдиган бўлди. Аммо бу ҳолат эски директорга ёқмади. Ҳар кимларнинг номидан юмалоқ хат уюштиривериб, ёш йилгитнинг тинка малорини қуритди. У коллежда ҳамон ўрта маълумотлилар, номутахассислар ишлаётганини (ҳолбуки ўқамлар номига пул ёзиб йиллар давомида маош олган), олий маълумотлилар эса ишсиз қолаётганини пеш қилган эди. Хуллас, ҳар доимгидек тўғри ишлаб юрган одам четда қолиб, юмалоқ хатнинг кучи кўринди: иш прокуратурага ўтди. Шу тариқа ёш, интилувчан, бугунги ислохотларни юракдан англаб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир гапини жон қўлиги билан тинглаб, унга камарбаста раҳбар ишдан совутилди.

Яхшиямки, бугунги адолатли сиёсат минглаб ана шундай тақдирларга кулиб боқди. Фитнадан, ўйиндан чарчаган одамлар қалбига ёруғлик инди.

Дунёнинг тўрт томонида турли талафотлар, можаролар, келишмовчиликлар рўй бераётган, оқибат, меҳр-мурувват сингари улуг тушунчалар ўрнини “Босиб оламан”, “Хукмронлик қиламан”, “Еб битираман”, “Мен зўрман” деган бемаъни даъволар эгаллаб олаётган бир пайтда буларни нега ёзаямиз?

Гап шундаки, ҳар тонг яхши ниятлар билан дуолар қиладиган ота-оналаримиз бор экан, бу юртдан оқибат кетмайди.

Агар сизу биз истиқомат қиладиган шу замин буст-бутун бўлса, демек пок одамларнинг шарофатидан бў.

Агар биттагина одамнинг кўнглида эзгу умид пайдо бўлса, адолатни кўп тилга оладиган улуг Раҳнамомизнинг шарофатидан бў.

Агар берк йўллар очилиб, бағрикенглик, дўстона муносабат кўзга ташланаётган экан, бу шому саҳар тиним билмай ишлаётган Инсоннинг шарофатидандир.

Келинг, Юртбошимиздан ўрناق олиб, халқ манфаатини устун қўяйлик.

Келинг, ислоҳни ҳар биримиз ўзимиздан бошлайлик...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

# Битирув малакавий ишлари талабга жавоб берадими?

**Президентимиз “ҳалоллик вакцинаси”-га алоҳида тўхталиб, уни қўллаш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган ислохотларни шаффоф тарзда рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, жамиятда коррупциянинг олдини олишига эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтган эди.**

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 июндаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилгани ушбу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлди. Бинобарин, унинг зиммасига коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларни аниқлаш, коррупциоген ҳолатларга сабаб бўлувчи шароитларни бартараф этиш вазифаси юклатилди. Шу билан бирга, коррупцияга қарши самарали тарзда курашиш ва шаффофликни таъминлаш устувор вазифа, деб белгиланди.

Бошқа соҳалар каби, олий ва ўрта махсус таълимда ҳам коррупцияни бартараф этиш учун, биринчи навбатда, коррупцион ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритиш лозим. Албатта, бундай ўзгартишлар чуқур таҳлиллар натижасида, реал ҳаётий тажрибалар асосида амалга оширилмоғи лозим.

Фикримизча, олий таълим муассасалари (ОТМ) бакалаврияти битирувчилари тамонидан бажариладиган битирув малакавий ишига (БМИ) қўйиладиган талаблар акс этган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йилги буйруғига ҳам замонавий таҳлиллардан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш керак. Чунки, бажарилаётган БМИларнинг аксарияти мазкур буйруқда қўйилган талабларга, кутилган натижаларга умуман жавоб берайди. Бажарилган БМИларда жуда кўп плагиатнинг мавжуд эканлиги, мазмуннинг саёзлиги, олдинги йилларда бажарилган мавзуларнинг такрорланиши, грамматик, стилистик хатоларнинг жуда кўплиги каби камчиликларни келтириш мумкин. Айниқса, БМИ бажарилиш жараёнида коррупцион ҳолатлар пайдо бўлмоқда.

Шу боис Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 но-

ябрь кунги буйруғида БМИ бажаришда юқорида кўрсатилган хато ва камчиликларга йўл қўйиши мумкин бўлган битирувчи талабаларнинг бир қисми ихтисослик фанлардан якуний давлат аттестацияси синови топиришни ОТМ Кенгаши қарори асосида бўлиши кўрсатилган.

Лекин ОТМ Кенгашининг мос қарори тегишли кафедраларнинг тавсиялари асосида қабул қилинади. Афеуски, барча кафедраларда ҳам бу масалага реал ёндашилмапти, аини ҳолат эса вазиятни янада издан чиқишига олиб келмоқда.

Фикримизча, қайд этилаётган муаммоларни маълум даражада ҳал этиш учун, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йилги буйруғини бекор қилиш, БМИ тушунчасини умуман олиб ташлаш, уни ихтисослик фанлардан якуний давлат синовлари билан алмаштириш зарур. Агар бу йўл жуда кескин бўлса, БМИ бажаришни ихтисослик фанлардан тўла аъло баҳоларга ўқиган битирувчиларга рухсат берилиши мумкин.

Бугунги кунда олий таълим соҳасидаги муаммоларни иккига ажратиш мумкин. Биринчиси — тез фурсатларда ҳал бўлиши қийин бўлган муаммолар. Буларга профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти кўрсаткичлари, уларни ишга қабул қилишда рақобат даражаси, илм-таълим-ишлаб чиқариш интеграциялари, замонавий илмий лабораториялар каби мисолларни келтириш мумкин. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мазкур муаммоларни ҳал этиш учун давлатимиз тамонидан чуқур ислохотлар олиб борилмоқда ва илк муваффақиятли қадамлар ҳам қўйилмоқда.

Иккинчиси эса, соҳадаги айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, тез фурсатларда ҳал этиш мумкин бўлган муаммолар. Мисол учун, кейинги уч йилдирки, ОТМларга ўқишга қабул қилиш бўйича қабул қилинган тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида қабул жараёнининг шаффофлиги ошди, ўқишга қабул қилинаётган талабаларнинг билим даражаси ҳам биз кутган даражада ижобий натижа берди.

Айни биз сўз юритаётган ОТМлардаги БМИ муаммосини тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритган ҳолда тез фурсатларда ҳал этиш мумкин. Бу эса олий таълим соҳасида коррупция ҳолатининг пайдо бўлишига замин бўлаётган шарт-шароитлар ва уларнинг олдини олишга қаратилган муҳим ҳамда самарали қадам бўлиши, шубҳасиз.

Мухтор ИБРАГИМОВ,  
Муҳаммад ВАЛИЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари



Кучли таъсир этувчи дори воситаларини рецептсиз сотганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

# Тадбиркорга тушов бўлаётган масалалар

Ҳозирги мураккаб шароитда аҳолини қўллаб-қувватлашнинг муҳим шартларидан бири уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш саналади. Чунки мамлакат иқтисодий барқарорлиги, аҳоли фаровонлиги бизнес муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга бевосита боғлиқ. Буни амалга ошириш учун, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш зарур ва шарт. Айниқса, кредит олиш масаласида.

Масалан, кўчмас мулк баҳосининг 100 фоиз қийматининг банк томонидан 60 фоизга баҳоланиши, эскириш қийматининг ҳисоблаб, 50 фоизи миқдорда пул берилиши олинажак кредит суммасига таъсир қилмоқда. Банк ходимлари эса хавф (риск)ни ўз фойдаларига камайтириш учун тадбиркор ҳисасини туширишмоқда. Тадбиркорлар кўчмас мулк банклар томонидан 80 фоизга баҳоланса, гаров масаласида анча енгиллик бўлишини билдиришяпти.

**Шунингдек, тадбиркорлар олинаётган кредитга нисбатан йиллик фоиз ставкасининг юқорилигидан ҳам норозилик билдиришмоқда. Бу талаблардан кейин Марказий банк мутасаддилари банк сиёсатини ўзгартиришни ўйлаб кўришлари керак.**

Яна бир муҳим масала — банк кредити бериш муддатининг чўзилиб кетишидир. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурида белгиланишича, кредит олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, тижорат банки томонидан уч иш кунидан ошмаган муддатда ушбу ариза бўйича асослантирилган қарор қабул қилинади. Тижорат банки кредит беришни рад этган тақдирда, банк

қарз олувчига ҳамда тавсифнома берган тегишли секторлар раҳбарларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма шаклда асослантирилган маълумот тақдим этиши керак. Ҳозирда кўллаб аризаларга эса жавоб берилмай ойлар давомида чўзилиб келмоқда. Худудлардаги банк ходимлари ариза республика даражасида кўриб чиқилиши чўзилаётганини, кутишга мажбур эканликларини айтишяпти.

Биргина Бағдод тумани мисолида таҳлил этилган бўлса, жорий йилнинг 9 июль кунги бизнес-омбудсман вакиллари билан бўлган учрашувда тумандаги тўртта сектор вакиллари томонидан тадбиркорлар билан ишлаш, уларда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳисобот берилган. Маълум бўлишича, шу пайтгача тадбиркорлар томонидан кўтарилган 234 та муаммонинг 79 таси кредит, 26 таси ер, 10 таси солиқ, 27 таси рухсатнома ва лицензия масалаларида, шунингдек, 73 таси бошқа йўналишларда бўлган. Муаммоларнинг 215 таси (92 фоизи) ижобий ҳал этилган. Кўринадик, тадбиркорлар орасида энг кўп муаммо кредит масаласида бўлиб чиқяпти.

Айрим туманларда фақатгина саноқли бир-икки банклар филиаллари фаолият кўрсатиши ҳам муаммоли масалалардан. Ваҳоланки, бошқа туманларда камида 5-6 та банк филиали бор. Бу ҳолат эса тадбиркорларнинг фақат шу банкларга боғланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Фарғона вилоятининг Бағдод туманида 1428 та корхона ва 1826 та ЯТТ, жами 3254 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган. Туманда 7 та қўшма корхона ҳамда 3 та хорижий корхона мавжуд. Шунга қарамай, фақат “Халқ банки” ва “Агробанк” филиаллари фаолият кўрсатади. Марказий банк вилоят бошқармаси бошқарувчиси билан суҳбатлашганимизда, яқинда Қўқондаги “Универсалбанк” ва “Микрокредитбанк” филиаларининг хизмат кўрсатиши марказлари очилиши ҳақида маълумот берди.

Банк-кредит соҳасида яна бир муаммо — банк ходимлари томонидан доимий равишда тадбиркорга “ресурс йўқ” деган жавобнинг берилишидир. Тўғри, Бағдод тумани мисолида тадбиркорлик учун ажратилаётган маб-

**Айрим туманларда фақатгина саноқли бир-икки банклар филиаллари фаолият кўрсатиши ҳам муаммоли масалалардан. Ваҳоланки, бошқа туманларда камида 5-6 та банк филиали бор. Бу ҳолат эса тадбиркорларнинг фақат шу банкларга боғланиб қолишига сабаб бўлмоқда.**

лағлар ва лойиҳалар билан танишадиган бўлса, маҳаллий ҳокимлик ва тадбиркорлик субъектлари томонидан хайрли ишларга қўл урилаётганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, “Ҳар бир оила — тадбиркор” Давлат дастури доирасида туманда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига жами 13,9 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилган. Бу рақамларни яна давом эттириш мумкин.

Хўш, маблағлар ҳар доим ҳам тадбиркорга ўз вақтида ажратиб берилмоқдами? Учрашувларимиз чоғида экспортёр тадбиркорларимиз янги иш ўринлари яратиш мақсадида фаолиятини кенгайтириш учун кредит олиш мақсадида берган аризаларига ҳануз жавоб ололмаётганликларидан шикоят қилишди. Банкнинг маблағ беришга ресурси бўлмаса, у банкротлик эълон қилиши керак эмасми?

Яна бир муаммо — тадбиркор фаолиятида ҳуқуқий нормаларда чалқашликларнинг борлиги ва бунга мутасадди идораларнинг ўз вақтида ечим топмаслигидир. “БАҒДОД АВТОТРАНС СЕРВИС” МЧЖ раҳбарининг муаммоси шунки, унинг дон ташувчи корхона сифатида бириктирилган автомобиль корхонаси “чекланган та-

рифлар”да ҳисобланган ва ҳақиқатда ишлатилган ёнилғи маҳсулотлари нархлари ўртасидаги тафовут туйғайли жами 319 400 882, 93 сўм иқтисодий зарар кўради. Корхона мулки тўлиқ хатланди сотувга чиқарилган. Бу ўринда корхона ҳам ҳолис хизмат қилиб, ҳам қарздор бўлиб қолмоқда. Тадбиркорнинг туман, вилоят ҳамда республика даражасидаги турли идораларга мурожаатлари ҳал бўлмасдан келмоқда. Аниқроғи, “юқори” “қуйи”га, “қуйи” эса “юқори”га йўллашдан чарчамаяпти. Гарчи, Молия вазирлигининг Фарғона вилоятидаги Давлат молиявий назорати бошқармаси далолатномасида корхонанинг айбсиз эканлиги кўрсатилган, туман ҳокимлиги йиғилиш баёнида

“Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредитторликларни қисқартириш, бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш” комиссиясидан юқоридаги суммадаги қарздорликни кечиб сўралган бўлса-да, муаммо шу кунгача барҳам топмаган. Юқоридаги каби ҳолатлар, қанчалик аччиқ бўлмасин, айтиш керакки, мамлакатимиз иқтисодиётининг

ривожига тўсиқ бўлмоқда, тадбиркорларнинг фаолият юритишига имкон бермаяпти. Биз, албатта, ушбу масалалар бўйича тегишли вазирлик ва идораларга мурожаат йўллаймиз. Лекин булар бир-икки тадбиркор бошига тушган иш эмас, балки республика бўйича тизимли муаммо сифатида тадбиркор оёғига тушов бўлмоқда. Шунинг учун ушбу муаммолар республика даражасида мутахассис ва мутасаддилар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиши, керак бўлса, янги қарорлар қабул қилиниши ва бу қонунларда акс этиши керак.

Бинобарин, Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам давлат раҳбари банк-кредит, солиқ сиёсати соҳасида ислохотлар кераклигини таъкидлади. Бу эса аллақачон ечимини топиши керак бўлган муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Демак, мамлакат ривожини чиндан истасак, тадбиркорга қулай шарт-шароит яратиб беришимиз, мавжуд қонунчиликни такомиллаштиришимиз мақсадга мувофиқ.

Гулбахор САИДҒАНИЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

## “Тезкор реанимацион гуруҳлар зарур”

Сўнги кунларда айрим худудларда коронавирус билан касалланиш ҳолати аҳоли орасида кескин ўсиб бораётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тизимини касалликларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида профилактика ва патронаж ишларига етарли даражада улгурмаяпти, деб баҳолашга асос бўлади.

Чунки айрим оилавий поликлиникалар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари аҳоли яшаш пунктларидан олис манзилда жойлашган. Натижада аҳолига тиббий хизмат кўрса-

тишда, касалликларнинг олдини олишда, минг афсуски, кечикиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Фикримча, ҳозирги кундаги вазиятдан келиб чиқиб,

2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорга асосан фаолияти тугатилган 658 та ҚВП ҳамда ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган барча ҚВП ва оилавий поликлиникалар негизида тезкор реанимацион гуруҳлар тузиш зарур. Улар ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳолат билан ҳар кун танишиб чиқиши, керак бўлса, тест олиш учун мутахассисларни

тайёрлаш тизимларини йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман.

Айниқса, фертил ёшидаги ва ҳомилдор аёллар, болалар, шунингдек, ўзгалар ёрдами ва ижтимоий ҳимоясига муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, сурункали касалликка чалинганлар ўртасида патронаж ишларини мунтазам олиб боришни ташкил этиш за-

рур. Бу — бугуннинг талаби.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда худудлардаги бошқармалар вазият бундан мураккаб-лашмасдан туриб, барча зарурий чораларни кўришига умид қиламиз.

Дилбар МАМАЖОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг “Фаровон ҳаёт қонуни устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Ўқитувчиларнинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик белгиланди.

**Инсон жисмини озиклантириш учун овқатланади. Бу унинг яшаши, ҳаракатла- ниши, ишлаши учун қувват беради. Ана шу ҳаракат ва фаолиятнинг мазмун ва моҳият касб этиши учун инсон руҳини ҳам озиклан- тириши керак. Руҳни озиклантириш эса маънавий озик – ахборот, билим олиш, ақлу идрокни ривожлантириш эвазига бўлади. Инсон руҳини озиклантирувчи манбалар- нинг энг асосийси – китобдир. Тўғри бош- қа манбалар ҳам бор. Бироқ уларнинг ҳеч бири китобнинг ўрнини босолмайди. Буюк аждодларимизнинг бебаҳо маънавий ме- роси ҳам бизгача инсониятнинг бебаҳо ихти- роси ва тенгсиз мўъжизаси бўлган китоб орқали етиб келганлигини эслашнинг ўзи унинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.**

# Ўзимиз ўқимасак, “ўқи” деган даъватларимиз самарасиз кетаверади



қолганида ҳам китоб ўқишни қўймаган эди. Ўқибгина қол- май фарзандлар, набираларга сўзлаб ҳам берар, гоҳида таъ- сирланиб йиллаб юборар эди.

Халқ орасида “Китоб кўр- ган одам” деган ибора бор. Бу илми, оқ-қорани фарқига бо- радиган одам дегани. Баркамол авлод тарбияси барчамизнинг долзарб вазифамиз экан яхши инсонни камол топтиришда яхши ота-она ва яхши ўқитув- чи билан бирга яхши китоб- нинг ҳам ўрни борлигини унут- маслигимиз лозим.

Таълим муассасалари ахбо- рот-ресурс марказларининг

лари, бирор асар ёки бирор ижодкор асарлари хусусида баҳс-мунозаралар бўлиб ту- рарди.

Ҳозир баъзи одамлардан қандай китоб ўқиганлигини сўрасангиз “э, китоб ўқиш- га вақт қасқда” деган жавоб- ни эшитамиз. Ахир, ҳар куни уч-тўрт маҳал жисмимизни озиклантиргани вақт топя- мизку? Нега энди руҳимизни озиклантиргани вақт топол- маймиз?

Ўқишдан тўхтаган фикр- лашдан тўхтайти, дейди бу- юклардан бири. Яширишнинг ҳожати йўқ. Истиқлолнинг

Бола дарёдан сувни олиб, уйга югурди, лекин бу сафар ҳам ҳамма сув оқиб кетди.

Бола ҳансираб келиб, сават- да сув келтириб бўлмаглигини, қанча уринмасин, сув саватдан оқиб кетаверишини бобоси- га кўрсаттиси келди. Яна са- ватни дарёга ташлади ва уни олиб, бор кучи билан югурди. Бобосининг олдида келганида саватда бир томчи ҳам сув қол- маган эди. Болакай ҳансирага- нича:

— Бобо, саватда сув келти- риб бўлмайди! - деди.

— Ҳаракатим беҳуда кетди, деб ўйладимми, болам, саватга бир қарагин, - деди бобо наби- расига.

Бола саватга қаради ва кў- мир солинадиган қоп-қора, кир ва эски саватнинг ичи ва таши тоза бўлиб қолганини кўрди. Шунда бобоси унга:

— Болажоним, сен китоб ўқиганинда ҳам шундай ҳол ўз беради. Сен ҳеч нарса ту- шунмаслигинг ёки эслаб қо- лолмаслигинг мумкин, лекин уни ўқиганинда ички, ташқи томондан ўзгарасан, тозалана- сан, - деди жилмайиб.

Чиндан ҳам, ўқиган кито- бларимиздаги воқеалар, қаҳра- монларнинг исми-шарифлари унутилиб кетганида ҳам муто- лаанинг қалбларни поклаш, руҳимизни қувватлантириш- дек таъсири ўз кучини йўқот- майди.

Бугунги кунга келиб китоб ўқиш қамайгани рост. Лекин, бунинг сабаблари бор. Теле- томошалар, видеофильмлар, сериаллардан, интернетдан, яна сони тобора кўпайиб бо- раётган кундалик ва ҳафтalik нашрлардан маълум нарсалар топяпти одамлар. Қолаверса замон шитоби тез, ҳамма ҳа- ракатда, вақт ҳам етишмай- ди. Бундан ташқари китоб ҳам кўп. Сарасини ажратиб олиш- га қийналиб ҳам қолади ки- тобхон. Яхши китоблар дўкон пештахталарида қолиб кетаёт- гани йўқ.

Тизимли тарғибот тadbир- ларини қучайтириш китобхон- лик маданиятини юксалтириш ва танлаб ўқиш кўникмалари- ни шакллантиришга шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатади.

Инсон маънавий дунёсини бойитадиган бебаҳо манба – китоб доимий ҳамроҳимиз ва маслаҳатгўйимиз бўлсин.

**Ҳабиб СИДДИК,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси**

Китобхон халқнинг фар- зандларимиз. Боболаримиз, момоларимиздан китоблар кам бўлган даврларда улар- ни қўлма-қўл ўқиганлари ёки жам бўлиб ўқиганлари ҳақи- да, китобларнинг муқовалари сарғайиб, титилиб кетганда ҳам авайлаб-асраганликлари тўғрисида эшитганмиз. Бугун китоб нашр қилиш ишлари ҳам беқийс даражада ривожланди, мамлакатимиз нашриётлари- да чоп этилган китоблар хори- жий давлатларда ўтказилаётган кўргазмаларда ҳам намоиш этилмоқда, юқори баҳолан- моқда.

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривож- лантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тад- бирлар дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни танқидий таҳлил қилиш ва му- аммоларини бартараф этиш йўли билан янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўл- моқда.

Китоб беминнат дўст, дои- мий ҳамроҳ, ақлу идрокимиз учун қувват манбаи. Таъбир жоиз бўлса, уяли телефони- мизни электр тармоғидан қув- ватлантирганимиз каби, ми- ямиз ва руҳимизни китобдан қувватлантирамиз. Руҳияти- мизнинг қувват манбаи китоб- дан хурсанд пайтимизда ҳам, кайфиятимиз йўқроқ паллада ҳам эҳтиёжимизга яраша озик оламиз.

Чунки, танамиз соғлом бў- лиши учун егуликларни тан- лаганимиздек руҳимизни озиклантирувчи манба бўлган китобни танлаш кўникмалар- ни ҳам шакллантиришимиз ва ривожлантириб боришимиз керак. Ёшларда бу йўлда ота-о- налар, муаллимлар ва ахбо- рот-ресурс маркази ходимлари ёрдам берадилар. Кутубхона- чилар ҳам билимдон ва ўқувчи- ни йўналтира оладиган бўли- ши керак.

Ҳар қандай ишлаб чиқарув- чи ўз маҳсулотларини реклама қилгани каби ноширлик кор- хоналари ҳам китоб тарғиботи- ни тизимли амалга оширишда

етақчи бўлишлари лозим.

Биз ота-оналар ва ўқитув- чилар ибрат бўлишимиз керак. Ўзимиз ўқимасак “ўқи” деган даъватларимиз самарасиз кета- веради. Бадий адабиёт инсон маънавиятининг шаклланиши ва юксалишида муҳим аҳами- ятга эга. Мактабни битирган йилларимиз шеърларни эмас, китобларни ёд билардик. Мак- таб кутубхонаси энг гавжум маскан бўлар- ди.

Электрон кито- бларнинг ўрни ҳам катта. Интернет орқа- ли ўзинингизга ке- ракли манбани дунё- нинг нариги четдаги кутубхоналардан ҳам топиш имконияти- га эгасиз. Фақатгина ундан фойдаланаёт- ган фарзандимиз ёки шоғирдларимизни тўғри йўналтириши- миз, ғоявий иммунитетини му- стаҳкамлашимиз лозим.

Табиатда ҳар бир чечакнинг ўрни бўлганидек китоблар- нинг кўп ва ранг-баранг бўл- гани ҳам бир жиҳатдан яхши. Бироқ олди-қочди, енгил-ел- ли гаплардан иборат, ўқувчи- нинг маънавий дунёси ва ба- дий дидини ўстиришга эмас, балки пасайтиришга хизмат қиладиган савиясиз китоб маҳсулотларининг борлиги ҳам сир эмас. Шу боис фар- зандларимизда танлаб ўқиш кўникмаларини шакллан- тириш ва ривожлантиришга эътибор зарур бўлади. Фар- зандларимизга “ширинлик- ни кўп ема, ёқмайди”, “совуқ- сув ичма, томогинг оғрийди” деб огоҳлантирамиз-у, улар- нинг руҳини озиклантирувчи манбалардан нимани ўқигани, нимани ўқимагани маъқулли- гини эслатиб туришни унутиб қўямиз.

Эртақлар – яхшиликка ета- рок, дегани шунчаки гап эмас. Ҳаммамиз эртақлар ўқиб ки- тобга ошно бўлганмиз. Болани китоб мутолаасига ўргатишни ҳаёт йўлларини ёритишга қи- ёслаш мумкин. Китобхонлик маданиятининг илк сабоқлари ҳам оилада олинади. Отам раҳ- матлик умрининг сўнгги йил- ларида тўқсон ёшга яқинлашиб

**Ривоят қилишларича, кекса ота- хон набираси билан ғарбий Кен- туккининг тоғли ҳудудларида, дарё бўйида яшарди. Набира ҳар тонг бобосининг китоб ўқиб ўтир- ганини кўрар ва секин ёнига бо- риб, чўккалаб ўтирар, қулоқ солар эди. Аста-аста ўзи ҳам ўқишни ўр- ганди...**

фондида ўқув адабиётлари би- лан бирга бадий адабиётлар- ни кўпайтириш керак. Чунки, бўлгуси мутахассис касб эгаси бўлиш билан бирга маънавий баркамол инсон бўлиши керак. Бу борада бадий адабиётнинг ўрни беқийс.

Ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор фахр туйғуларини ҳис қилиш билан бирга зиммамиз- га улкан масъулият юклайди. Зеро, китобхонлик маданияти- ни юксалтириш кенг жамоат- чиликнинг, биринчи навбатда- ги ижодкор зиёлиларнинг ҳам вазифасидир.

Китобга, мутолаага қи- зиқиш кўпчилигимизда ои- ладан, ота-она, ака-опалари- мизнинг китоб ўқиганларини кўриб пайдо бўлган. Шу боис ҳам фарзандлар, набирала- римга китоб олиб келиб бе- ришни одат қилганмиз. Шун- дай пайтларда уларнинг қувончи ичига сигмайди. Ҳатто, ҳали ўқишни билмай- диганлари ҳам талашини, қатордан қолгиси келмайди. Буни кўриб маърифатли эл- нинг, зиёга интилган ва дунёга зиё улашган халқнинг фар- зандлари-да, деб қувонаман.

Ўқувчилик йилларимиз мак- табимиз кутубхонаси гавжум масканлардан бири эди. Тез- тез китобхонлар анжуман-

наларга ўрнини бўшатди. Шу- кур, бугун иқтисодийтимиз мислсиз даражада юксалди, қорнимиз тўқ, энгимиз салт, дастурхонимиз тўкин, ҳаёти- миз фаровон. Энди руҳимизни озиклантириш, маънавияти- мизни юксалтиришга эътибор ҳар қачонгидан катта бўлади.

Ривоят қилишларича, кекса отахон набираси билан ғарбий Кентуккининг тоғли ҳудуд- ларида, дарё бўйида яшарди. Набира ҳар тонг бобосининг китоб ўқиб ўтирганини кўрар ва секин ёнига бориб, чўкка- лаб ўтирар, қулоқ солар эди. Аста-аста ўзи ҳам ўқишни ўр- ганди. Бир куни у:

— Бобо, мен ҳам сиздек ўқийман, аммо маъносини ту- шунмайман. Ўқиган жойларим тезда ёдимдан чиқиб кетади. Бундай ўқишдан нима фойда? — деб сўради.

Бобо саватдаги кўмирни печга солиб, набирасини ёнига чақирди:

— Мана бу саватни ол-да, дарёга бориб, бир сават сув келтир, - деди.

Набира бобоси айтганидек қилди, аммо уйга қайтгунча ҳамма сув саватдан оқиб кетди. Бобоси кулиб:

— Кейинги сафар тезроқ юришингга тўғри келади, — деди ва яна дарёга юборди.



Туркменистон Жаҳон савдо ташкилотида расман кузатувчи мақомига эга бўлди.

Бир танишим айтиб берганди. Унинг бир таниши Россияда йиллар давомида ишлаб, топган пулларига сотиб олаверган машиналарнинг сони 6 та бўлиб кетган экан. Улар Нексия, Ласетти, Кобальт, Малибу ва ҳоказо турдаги машиналар бўлиб, ҳар сафар қандай янги машина чиқса ва русум бўлса, у бошқалардан қолишмай деб машина олаверган экан. Энг қизиғи, у танишининг уйда биттаям машина қўйиш учун гараж ёки жой бўлмаганлигидан 6 та машинаси доим кўчада қаторлашиб турар экан. Бунинг устига у мунтазам Россияда ишлаганлиги сабабли машиналари деярли ҳеч қачон ҳайдалмас экан. У эса йилда бир марта уйига келганида 6 та машинаси борлигини айтиб ҳаммага мақтанар экан...

# Биз ҳаммамиз

кўп, менда 2 та "4" бор" ва ҳоказо деган реакциялар сиздаги бу комплексни шакллантириб, ривожлантириб бораверган. Инсон ҳар доим ўзини кимлардан кимдай, пастдай кўраверади. Ҳавас, ҳасад ва ҳоказо характерларга айнан шу комплекс сабабчи бўлади.

Табийки, бунга ота-оналар, атроф-муҳит, жамият қоидалари ва ҳатто давлат, умуман бутун дунё сабабчи бўлади. Фарзандимизга яхшилик тилаб "Ҳақат "5" баҳога ўқи" деган пайтимизда биз фарзандимизда "4", "3" ва "2" баҳоларга нисбатан комплекс ясаб қўямиз. Натижада фарзандимиз "2" баҳо олса, аввало, ўзининг қадрини ўзи пастга ура бошлайди ва сизга баҳосини кўрсатишга кўрқиб, руҳан қийналиб туради. Сиз балки уни уришарсиз, балки уришмасиз, аммо унинг баҳосини сизга кўрсатиб, реакциянгизни билиб олгунча бўлган даврдаги руҳий ҳолатлари унинг ичидаги "Камчилик комплекси"нинг шаклланишига янада ҳисса қўшади.

Ундан кейин, фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва уларнинг натижалари ўқувчиларни муҳимлик даражасида таснифлаб, уларни энг зўр, зўрроқ, зўр эмас ва умуман муҳиммас даражаларга бўлиб чиқарилади. Бундай олиб қараганда, барчаси тўғри, ўқувчиларнинг қайсиларидир билимли ва қайсиларидир улардан билимсизроқ, аммо бу тўғрилиқнинг ойдинлаштирилиши ўқувчиларга турлича таъсир қилади. Кимлардир янада яхшироқ ўқишга, кейинги сафар олдинги ўринни олганлардан ўтиб кетишга ҳаракат қилади, лекин у бу ишни айна

"Камчилик комплекси" таъсири остида қилади. Кимлардир эса «олимпиада адолатсиз ўтди, аслида мен яхшироқ эдим» деб ўзларига руҳий компенсация беришга ҳаракат қиладилар. Олимпиада адолатли ёки адолатсиз ўтган бўлишидан қатъий назар бундай деб ўйлаш уларни "Камчилик комплекси"нинг руҳий азобларидан оз бўлса-да, ҳалос этади.

Инсон катта ҳаётга қар

римда бир талаба бор эди. Роса мижгов эди. Қайдаги майда гапларни гапираверар, жанжал чиқаришга интилар эди. У билан айтишиб барака топмагач, "жанжаллашмай" деб жим ўтиришга қарор қилдим. Гапираверди, гапираверди, мендан реакция бўлмади. Охири "Нега мен гапирганда жавоб бермайсан"га ўтиб олди. Шунда ҳам индамасам туртишга ўттипти. Яъни эътибор қилмасам эътибор қилмаганимга қўймапти. Охири уни дўппослаб, ўзига келтириб қўйиб, қадримни тиклашимга тўғри келган эди.

Бу билан одамларнинг гапларига эътибор қилмаслик, бўлаётган ишларга, жамиятнинг муносабатига бефарқ бўлиш осон эмаслигини айтмоқчиман. Баъзан бу нарса сизнинг ҳаётингизга, режоларингизга тўғридан тўғри таъсир қилади ёки ҳатто сизни бефарқ бўлишингизга ҳам қўйишмайди. Шу сабабдан буни улдашнинг ҳар доим ҳам илжои бўлавермайди. Натижада ниманидир тўғри қила олмайётганлик, ниманидир эътибор қилмайётганлик, қайсидир соҳаларда нўноқлик қилаётганлик, тенгларингиз пул топганда пулсиз юрганлик, кимдир 6 та машина олганда сизда биттаси ҳам йўқлиги ва шу каби ҳислар сизни руҳан эзиб, "Камчилик комплекси"нинг қулига айлантиради ва сиз барча қатори жамиятнинг "ўйинлари"ни ўйнай бошлайсиз. Шундан кейин, "пода"га қўшилиб Айфон "8"ингизни Айфон "X"га, Ласеттингизни Малибуга айлантириб, мусобақада давом этаверасиз...

Аммо афсуски, бу жараённинг охири ва якуни йўқ. Ҳеч ким барча соҳаларда барчадан зўр ва беҳато бўла олмайди. Шу сабабдан, динлар, таълим-тарбия қоидалари, фанлар, файласуфлар ва зиёлилар минг йиллар давомида шу комплексга қарши курашиб келдилар.

Улар инсонларни камтар бўлишга, керагидан ортқча бойликни тақсимлашга, ўзгаларни ҳурмат қилишга, жамоат олдида бойликларини кўз-кўз қилмасликка ва умуман бирга яшаш имконини берувчи қоидаларга амал қилишга чорлаб келдилар. Буларнинг таъсири йўқ эмас. Аксинча, шулар туйғулари ҳам дунё ҳали ҳам тинч турибди. Бу комплексдан қочиб кимлардир динлардан (умуман), кимлардир китоблардан эътибор қилмай бўлибсиз. Талабалар йилла-

**Табийки, бунга ота-оналар, атроф-муҳит, жамият қоидалари ва ҳатто давлат, умуман бутун дунё сабабчи бўлади. Фарзандимизга яхшилик тилаб "Ҳақат "5" баҳога ўқи" деган пайтимизда биз фарзандимизда "4", "3" ва "2" баҳоларга нисбатан комплекс ясаб қўямиз. Натижада, фарзандимиз "2" баҳо олса, аввало, ўзининг қадрини ўзи пастга ура бошлайди ва сизга баҳосини кўрсатишга кўрқиб руҳан қийналиб туради. Сиз балки уни уришарсиз, балки уришмасиз, аммо унинг баҳосини сизга кўрсатиб, реакциянгизни билиб олгунча бўлган даврдаги руҳий ҳолатлари унинг ичидаги "Камчилик комплекси"нинг шаклланишига янада ҳисса қўшади.**

...Ҳожибой Тожибоевнинг бир ҳажвиясини барча эслайди. Унда ўзбек одам қўшинининг уйи баландроқ бўлиб қолгани учун ўзининг уйига яна битта қават қуради. Буни кўрган қўшни ҳам ўз уйининг устига яна битта қават қуриб, устига антенна ўрнатади, унинг устига байроқ ҳам тикиб қўяди. Бу ҳажвияга ҳамма кулган эди, чунки бу ҳолат ҳаммага таниш бўлиб, ҳазилнинг ичида ҳақиқатнинг ҳиссаси кўпроқ эди. Яъни бу ҳажвияга кулганда барчамиз ўзимизнинг, мавжуд бўлган ўз камчиликларимизнинг устидан кулганмиз, тан олганмиз, лекин нима учун бундаймиз, нега бундай кулгани ишларни қиламиз деб ўзимизга савол бермаганмиз. Бермаймиз ҳам. Чунки биз муаммоларнинг илдизларини англаб етишга, уларни таҳлил қилишга ва энг асосийси, уларга ечимлар топиб, аҳволни яхшилашга одатланмаганмиз. Биз тинчгина концертга бориб кулиб келамизда эртаси куни уйимизнинг тепасига иккинчи байроқни иламит.

Шундай бўлса ҳам, муаммони англаш, тушуниб етиш учун мулоҳазалар қилиб кўриш зарар қилмайди...


...Бошқа тиллардан сўзма-сўз таржима қилганда тахминан "Камчилик комплекси", "Пастлик комплекси", ёки рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, қабул қилинган версиясига кўра, "Тўлиқсизлик комплекси" деган ибора бор. Бунинг фанда балки чиройлироқ таржимаси ҳам бодир, асосийси таржима эмас, балки унинг нима эканлигини тушуниб олиш. "Камчилик комплекси" бу инсондаги руҳий ҳолат бўлиб, унга

кўра инсон ўзини ўзгалардан камдай, баъзан ҳатто ўзи кутган даражадан анча пастдай тасаввур қилади. Бу қониқмаслик комплекси шунчалар хавфлики, у ҳатто руҳий касалликка айланиб кетиши мумкин. Агар у касалликка айланмаган тақдирда ҳам инсонга салбий ҳулосаларни бериб, бузғунчи натижаларга сабабчи бўлиш эҳтимоли бор.

Тенглик бўлиши учун ҳозирдан айтиб қўйиб, бу комплекс истисносиз барча инсонларда бор. Ҳақат инсонларнинг ҳаёт йўллари, бошидан кечирганлари, атроф-муҳит, жамиятдаги муносабатлари ва ҳоказо омилларга кўра у ҳар кимда ҳар хил даражада бўлади. Тушунарли бўлиши учун у кичкина болагингиздаёқ акангиз ёки опангизга иккита, сизга эса битта конфект тегиб қолган маҳалдаёқ бор бўлган. "Нега унга иккита, менга эса битта?" деган савол сизга акангиз ёки опангиз сиздан кўпроқ, демак "яхшироқ" манфаат кўрганлигини, сиз эса мана шу борда ундан ортада қолганлигини билдирган. Катта бўлавергач, "Нима учун акамга мумкин, менга йўқ", "Катталарга маъна, бизга мумкин эмас", "У мендан кучлироқ", "У мендан чиройлироқ", "Унинг "5" баҳолари



# касалмиз



ват топадилар. Аммо бу комплекснинг қурбонига айланган бошқалар ёмон йўлларга кириб кетишлари, алкогольнинг, наркотик моддаларнинг ёки осон пул топишининг умидида қимор ўйинларнинг домига тушиб қолишлари мумкин. Кимлардир эса соғликларидан айрилиб, депрессия, юрак касали ёки бошқа касалликларга дучор бўлишди. Баъзан "Нега эркаклар аёллардан кам умр кўрадилар?" деб савол берилди. Менимча, "эркаклар" жамиятидаги (патриархат) шафқатсиз "жанглар"да берилган ва олинган руҳий зарбалар эркакларнинг соғлиқларига қаттиқ таъсир қилиб, уларнинг умрларини қисқартиради. Эркаклар олатда оилаларидаги аёлларни бу жангларга аралаштирмаликка ва уларни ҳимоя қилишга интиладилар. Чунки улар жамиятда эркакларнинг макъси баланд ва хатарли эканлигини яхши билдилар. Билмасалар онг ости туйғулариди ҳис қилдилар...

Ўзбек жамиятининг тузилиши ва фаолияти қадимий "Олди-берди", "салом-алиқ" урф-одатларига бориб тақалади. Бу мактот ёки танқид эмас, оддий таъкид. Ўзбекларнинг ҳаётий манфаатлари ва заруратлари уларнинг "ўзгалар" билан муносабатларига чамбар-час боғлиқ. Уларнинг уйларида еишига нон бўлиши ёки бўлмаслигиндан тортиб, болалари қаерда ишлаши, қандай машина минибшаригага жамиятдаги алоқаларининг муваффақиятига боғлиқ. Ўзбеклар қарорлариди, ҳаракатлариди, ҳатто яшаш-йашамасликлариди ҳам жамиятининг фикри ва муносабатларига, бошқаларнинг нима дейишларига қарамдилар. Шу сабабдан ҳам улар умр бўйи бошқаларга ўзларининг зўр эканликларини, фойдали эканликларини, муҳим эканликларини ИСБОТЛАБ, қадр ва ҳурматларини парваришлаб боришлари керак. Бу ҳаракатлар ҳар доим ҳам инсонларнинг кўнгилларидаги кечмагач (чунки бу имконсиз), улар ўзларидан ҳеч қачон қониқмайдилар. Уларнинг кўзларига бошқаларнинг муваффақиятлари қўригнаверди ва ўзлари бу рақобатда ютқазиб қўяётгандай туюлавердилар. Қарабсизки, "Дон Кихот" яна тегирмонларга қарши жангга киришиб кетаверади. Натигада уларнинг устига янги қаватлар қурилади, қаватларнинг устига эса антенналар ўрна-тилиб, уларнинг устидан байроқлар тикилаверди...

...Нима қилиш керак? Агар мен бу саволга "Фалон нарса қилиш керак" деб жавоб берсам ёлгончи бўламан ва "Баландпарвозлик комплексим"ни ишга солаётган бўламан. Ҳа, бундай комплекс ҳам бор, аммо ҳозир мавзу бу ҳақда эмас. Мен фақат ўзим учун чиқарган хулосаларимни сизларга тавсия сифатида улашаман.

Хуллас, "Камчилик комплекси"га чалинмаган инсон мавжуд эмас. Жумладан, камини камтарин ҳам унга мубалло. Мен ҳам доим бу комплексдан мунтазам азият чекканман ва чекишда давом этаман. Ўзбекистонда-лигимда бундан кўпроқ қўйналар эдим, Францияда жамият шакли бошқачалиги, индивидуализм кучлироқ бўлганлиги сабабли камроқ қўйналадиган бўлдим. Тарих, социология, антропология фанларини ўқиб, кўп нарсаларни таҳлил қилгач янада камроқ қўйналадиган бўлдим. Жамиятимиз қондаларининг муқаддас ва ўзгармас эмаслигини англаб етгач, уларнинг оралиқдан мантиқсиз-ларни ва эскирганларига амал қилишни бас қилдим. Илмий салоҳиятим ошгач, улар ёрдами нима сабабдан фалон ёки фалон урф-одатларимиз яхши эмаслигини, аввало, ўзимга, ундан кейин бошқаларга тушунтириб беришга интила бошладим.

"Камчилик комплекси" ҳақидаги мулоҳазаларим ҳам шулар жумласидандир. Баъзан сиз учун энг азиз бўлган инсонлар, масалан ота-онангиз умуман мантиқсиз бўлган нарсаларни қилишингизни талаб қилиб қоладилар. Ака-укаларингиз, қариндош-уруғларингиз, дўст-ёрларингиз, таниган ва танимаганларингиз сизни танқид қилади, маслаҳат беради, ақл ўргатади, ишларингизга аралашади, қарорларингизга таъсир қилади. Шундай пайтларда, сиз барчасини босиқлик, совуққонлик билан қабул қилишга, ҳиссиётларга берилмасликка, барчасини "Охир замон"дай қабул қилмасликка ҳаракат қилишингиз керак. Хавотир олманг, бу дунёда ўтмайдиган, тугамайдиган, охири йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Пулсиз қоласизми, ишсиз қоласизми, қариндошсиз қоласизми, уришадими, қўйнашадими, зўрлашадими, қамашадими, фарқи йўқ. Ўлмасангиз, жонингиз тирик бўлса бўлди. Қолганини вақт даволайди.

Афсуски, бу дунё "Ҳаёт учун кураш" ва "Ўзинг учун ўл етим" дунё. Биз бошқачасини хоҳласак ҳам у мукамал эмас. Шу

сабабдан, хоҳламасак ҳам болаларимизни шафқатсиз "баҳолаш", "рақобат", "мусобақа" деган чиғирқлардан ўтказишга мажбурмиз. Норвегия татлим тизимида бу тизимлардан воз кечишга эришди. Биз эса йўқ, демак ҳозирча фарзандларимизни яхши баҳолаш олишга руҳлантиришга мажбурмиз. Аммо имкон қадар уларнинг руҳларини синдирмаликка интилишимиз керак. Педагогикада болаларнинг характерларига қараб дарс ўтилади. Айрим болалар ёмон баҳо олса, бутунлай синади, айримларига эса бу муҳим эмас. Ўқитувчилар бунга диққатли бўлишлари керак деб ўргатилади. Ота-оналар ҳам шундай бўлишлари мумкин. Болангизга ёмон баҳо олма деб ўзингиз комплекс ярастангиз, у ёмон баҳо олиб қўйса жазолаб янада руҳан эзманг. Аксинча, у билан бирга ишлаб, баҳолари яхшиланишига ёрдам беринг.

Одамларнинг гапларини, ҳаётдаги ҳақиқий ва ҳаёлий муваффақиятсизликларини ўзингизга, юрагингизга яқин олманг. Бошқалар билан ўзингизни солиштирмаликка ҳаракат қилинг. Сиз бой, кучли, қудратли, бахтли ва ҳоказо деб билган инсонларнинг асли шароитларини, уйларидаги ва миёнаридаги ташвишларини билмайсизку. Улар ҳам худди сизга ўхшаб жамият қондаларига кўра ўзларини зўр қилиб кўрсатиб юрган бандалардир. Уларнинг ўзлари ҳам "Камчилик комплекси"дан азият чекадилар. Балки уларнинг ўзлари сизни зўр деб ўйлаб ўзларини паст билиб юргандилар.

Шунинг учун уни буни қўйинг. Ўзбек халқ мақоли айтаганидай, бошқалар сизда йўқ бўлса беролмайдилар, лекин сизда бор бўлса кўра олмасликлари мумкин. Демак, сиз ҳам уларнинг фикрлари билан керагидан ортиқ ҳисоблашишга мажбур эмасиз. Сизнинг шароитингизни, миёнагиздаги фикрларни бошқа ҳеч ким сизнинг ўзингиздан яхшироқ билмайди. Шундай экан, улар сиз ва сизнинг ҳаётингиз ҳақида фикр билдиришга, ҳукм чиқаришга ҳақимиз? Менимча йўқ. Агар зарур бўлса, улардан ўзингиз маслаҳат сўранг. Бирса олинг, бермаса хафа бўлашманг. Улар ҳам сизга маслаҳат беришга мажбур эмас. Аммо ўзингиз ва ҳаётингизга оид қарор чиқариш керак бўлганда вазиятингиз келиб чиқиб қарор чиқаринг.

Дониёр РЎЗМЕТОВ

Ўзбек қизларига калта-култа юбка ярашадими? Йигитларимизга қуёшда ранги ўнниқиб, оҳори кетган шимлар-чи? Масалан, мен бугунги кунда кўча-кўйда гўёки хўрозларга тақлид қилгандек соч турмакли йигитларни, атайлаб шимининг қаерларинидир қирқиб олиб, камига офтобга 5-6 кун қўйиб, рангини сарғайтирган қизларни кўриб ачинаман.

## "Синглисига, калта юпка, акасига, йиртиқ шим..."



Ёшлар ўртасида авж олиб бораётган ушбу "юкумли эпидемия" кундан-кунга омма-лашмоқда. Бу борадаги "Замон ўзгаришти, биз эскича яшамай-миз, чет элдан нима кам жойимиз бор" каби ўринсиз, керак бўлса, бемаъни гаплар одамнинг гашини келтиради. Тўғри, давр шиддат билан ўзгаришти, аммо бу дегани миллийликдан воз кечиш, аллақайси халқларнинг турмуш тарзи ва албатта, кийинишига тақлид қилиш керак дегани эмаску. Менимча, бундай нотўғри қарашлар интернет деган "бало"дан ноўрин фойдаланиш ҳамда ундан кўр-кўрона андоза олиш тўғрисида пайдо бўлмоқда.

Ёшларни ёш деймиз-у, аммо 40 дан ошган аёлу эркакларнинг ҳам алламбало кийиниши ҳамда ўзини тутишини кўрганимизда ёқа ушлайсан. Шунда беихтиёр уларга савол беринг келди: "Сиз фарзандингизга ўрнак бўлиш ўрнига, нимани тартиб қияласиз? Ёки шу йўсинда фарзанд тарбия қияласизми?" Шунини унутмангки, бола ота-онага эрга-шади. Полапон уясида кўрганини қилади, сайраганини сайрайди! Аждодаларимиз бе-корга айтмаган: "Сен болан-

гни тарбиялама, у, барибир сенга ўхшаган бўлади. Сен ўзингни тарбияла!"

Агар билсангиз, халқимизнинг ардоқли шоирси Зулфия-хонимнинг кийиниш одобида бутун жаҳон тан берган. Шоир-рамизнинг миллий кийимларда тушган суратларига ҳавас билан қараймиз. У киши хориждаги анжуманларда ҳам кўпинча Ўзбек либосларини кийган ҳолда иштирок этган. Чунки чет эл сафарларига атлас, алрас матоларимиздан тикилган либосларда чиқсак, бизни Ўзбек деб танишади. Хориждаги турли тадбирларда миллий либосимизда қатнашган қизлардан эшитганман: қайси мам-лакатда бўлмасин, у ерликлар юртошларимизнинг кийим-ларига шунчалик қизиқишади-ки, тоҳида бирга суратга тушиш учун тала-тала одамлар навбат қутишади. Демак, биргина шу кўринишимиз орқали Ватанимизни ҳам жаҳонга танитар эканмиз. Энг муҳими ҳам шунда! Ахир, бу ҳар биримизда фахр туйғусини ўйотмайдими?!

Ҳа, ўзбек халқининг миллий либосларини дунё билди. Ҳатто, ранго-ранг кийимларимизни, дўппиларимизни юртимизга келганлар энг ангақа совға сифатида олиб кетишади. Ўзимизчи, улардан нима камимиз бор деб йиртиқ-ямоқ кийимда юрамиз. Кийиниш у ёқда тура-турсин, ўйламай-нетмай айтаётган гапларимиз, бетамиз қилиқларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, инсонларга бўлган муносабати-миз кундан-кунга кўштирноқ ичида гуллаб яшнамаётими?

Тўғри, юқоридаги фикрларни айтиш менинг ёшимга мос эмасдир. Чунки ҳали мактаб ўқувчисиман. Аммо миллий қадриятларимизга бепарқ эмасман. Тенгдошларимга, ёшларга айтидиган сўзим шунки, момоларимиз ва боболаримизнинг анъаналарини авлоддан-авлодга ўтказиш сизу бизнинг зиммамиздаги масъу-лиятли бурчдир. Керак бўлса, ушбу вазифани тўла-тўқис адо этиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Нигора ОРИФЖОНОВА,  
Гулистон шаҳридаги  
5-мактабнинг 10-синф  
ўқувчиси



Кадастр соҳасига рақамли технологиялар жорий этилади.

**Хуршид ака журналистикада, тадқиқотчиликда, шогирдларга меҳр улашиш бобида устозим бўлса-да, яширмайман, дастлаб унинг бадний асарларини қийналиб, қайта-қайта ўқиганим, баъзи жойларини тушунолмай ўқигим келмай қолган пайтларим ҳам кўп бўлган. Балки, болаликдан Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов каби ёзувчиларни ўқиб-улгайганим бунинг боисидир. Балким, торқарашларим сабабидандир...**

Устознинг дастлабки китоби "Ҳовли этагидаги уй" номи билан 1989 йили дунё юзини кўрганида камина ТошДУ (ЎЗМУ) журналистика факультетининг иккинчи курсида ўқирди. Хуршид ака ўша йиллари машҳур бўлиб кетган, адади 800 мингга етган "Ёш куч" журналида бўлим муҳаррири вазифасида ишлар, факультетга келиб талабалар билан учрашувлар ўтказиб, уч-тўрт қизиққанларни (улар орасида камина ҳам бор эди) тахририятга етаклаган давр эди.

Хуллас, ўша китобнинг биттаси бизга тегди. Яна муаллифнинг дастхати билан денг. Университет ётоқхонасида яшардик, шу боис китобнинг қўлма-қўл ўтгани, ўқилаверганидан юмшоқ муқоваси ҳил-ҳил бўлиб кетгани кўз ўнгимда. Бир гал муқоваси қайтгач (дастхат ҳам муқованинг ички томонида ёзилган эди) китобни бошқа ҳеч кимга бермаганим ҳам ёдимдан чиқмайди...

Албатта, ёзувчининг асарини ўқиб ўқиш учун камида у мутолаа қилган китобларни ўзлаштириш, шу билан бирга муаллиф босиб ўтган йўллардан юриш (аслида бу имконсиз), ҳаётги фурсат, бошқача айтганда унга муносиб яшаш ҳам керак экан. Устозга бу йўлда етишиб юриш жуда мушкул.

Ёшим улгайган сари унинг бадний асарларини сал-пал, лекин "ўзимча" тушуна бошладим. Бири-бирига ўхшамаган асарлар – тажрибалар. "Ором-курси" ҳикояси бир олам бўлса, "Жажман" тирикликнинг бошқа бир туганмас хулосаларини беради. Ёзувчининг "Паноҳ", "Сўроқ", "Соф ўзбекча қотиллик", "Маҳзуна", "Ибн Муғанний", "Ёлғизим – Сиз", "Кўз қорачиғидаги уй", "Ҳижроним мингдир менинг", "Қуза..." қисса ва ҳикоялари, "Бозор" романи – алоҳида бир дунё...

"Донишманд Сизиф" романичи? Сизиф – жаннатдан қувилган одам! Сизифнинг харсанг тошини гоҳида чираниб, гоҳида хузурланиб, баъзан руҳланиб, баъзан тушқунликда... чўққига олиб чиқиш жараёни – бир банданинг ҳаёт моҳиятини англашга интилиши, ўз ҳақиқатларини излаши, гуноҳу саваблари, шукронаю тавба-тазаруси, покланишга ҳаракат, қувилган манзил – жаннатдан умид... Ёзувчининг ҳар бир китобхонни фикрлаб, чекига тушган тириклик роҳати ва

машаққатини англаб яшашга даъвати...

Авваллари Х.Дўстмуҳаммаднинг ёзганларини тушунолмай озорланган бўлсам, энди озгина бўлса-да, тушуна бошлаганимдан азобланмоқдаман.

Айни фурсатда "Ёлғиз" билан ёлғиз қолган даврим (Хуршид Дўстмуҳаммад. Ёлғиз. Т.: MASHHUR-PRESS, 2019. – 192 б.). У Абдулла Қодирий ҳаётининг таҳликали кунлари ҳақида. Қисса 125 йиллиги арафасида аввал "Шарқ юлдузи" журналида, кейин алоҳида китоб ҳолида чоп этилиб, 2020 йил "Эҳтиром" мукофотининг "Йил адаби" номинациясида голибликни қўлга киритди, ҳатто, у асосида саҳна асари ҳам яратилдики, ҳануз бирор нарса қоралай олмадим...

Чунки "қамоқхона"да эдим, у зиндон қаъридан чиқишим қийин кечмоқда... Ўша ерда "Ёлғиз"нинг бош қаҳрамони – Абдулла Қодирий билан бирга яшайётган, зиёли инсон, юртини жонидан ортиқ суюдиган журналист ҳаётининг моҳиятини тафтиш қилмоқдаман, эзгу гоёлардан воз кечган (Акматали ва ҳоқ.ларга қаратилган аччиқ фикрлари учун мен ҳам ҳақоратланялман, сафдошлари уни ёлғизлатганидан, сотганидан, ўзимнинг ҳам юраксизлигимдан азият чекаялман, миллат озолиғи қайғусида муаммоларни очиқ айтгани сабаб таҳрирланялман...

Китобни ўқимаганлар учун икки оғиз сўз. Хуршид Дўстмуҳаммад "Ёлғиз" қиссасини қамоқхона манзарасидан эмас, балки ундан-да муҳиш залолат ботқоғи – жадиллар даврида англаб етилган масаланинг туб илдири тасвирланган бозордаги саҳнадан бошлайди.

"– Отқа қоққан тақадек, сувдан чиққан бақадек, бир мирилик чақадек – маориф шўросига сало-о-ом!"

Кейин... "Кўрунган ер оқ салла, оқ бўлса ҳам бўш калла, оқу қора ҳам малла – Туркистон уламолариға сало-о-ом!"

Сўнг... "Масков бориб келибон, минглаб фойда қилибон, ҳафтада гап ейибон, томга карнай кўйибон; ...ҳалқ қайғусин емайин, мактаб очай демайин; ...эллик-олтмиш кўй берган, саккиз кунлаб тўй берган Туркистон савдогарларига сало-о-ом!"

Охирида... "Амма-холоми ҳаводор, аҳ-ҳа-ху-ей, кучингда-ан-н!!! (12-13 бетлар). Улуғ Темур қурган салтанат-



ни парчалаб, оёқ ости қилган, миллатни таназул ботқоғига ботирган, ҳурлик учун курашиш ҳаёлига келмаган аёнлар – мударрис, олимлар, савдо билан шуғулланадиган, шу билан бирга юртма-юрт кезиб дунё тамаддуни англикларини юртта ташийдиган пулдорларнинг тубан дунёқараши ва пуч нарсадан ҳавола-ниб юрган бу "юқори табақа" оилаларининг аҳоли... Қодирий фелъетонларидаги беаён масхара-лаш усулига уйқаш оҳанглар...

Энди бу гапларни эшитиб, воқеани кузатган бозордаги одамларнинг руҳиятини кўрсатадиган фикрларга эътибор беринг:

"– Уҳ, қизиталок, гап багда экан-да-а!"  
"– Топиб айтди".  
"– Бопплади! Ошиб-тошиб ётган дунёсига мактаб очиб эсига келармиди!"  
"– Унинг ўрнига бачавозлик қилади!..  
– Давлатингга ўт тушсин!..  
– Лутдан баттар қирилсин!.." (12-13 бетлар).

Бозор – ҳаётда учрайдиган ҳалқ вакиллари, хусусан, аҳли дониш ("топиб айтди"), маърифатпарвар ("мактаб очиб эсига келармиди") фикрлари, ниҳоят олдий одам ("давлатингга ўт тушсин") ва энг аянчлиси Курьондаги оятлардан бохабар мусулмон банданинг қарғиши ("Лутдан баттар қирилсин")...

Афсуски, эзилган халқнинг дуоибади ёзувчи тасвирдаги барча қатламни, ҳатто қарғиш соҳибларининг ўзини ҳам навбатма-навбат қиргин қилди!.. Қиссанинг бадний бўёқларда, татбири жоиз бўлса кулгу воситасида акс этган даҳшатли кирришдан олинган таассуротлар эди бу!

Аммо миллатнинг поймол бўлишини истаманган, курашган, бунинг учун бошини қисми эса даҳрийлар қўл остида бўлса-да, Ватанда қолиб қаламлари билан озоликни орзулаётган тарихий фурсат ҳақидаги асар.

Юқорида таҳлил қилганимиз бозордаги воқеалар тасвири масжидда илиб қўйилган газета, матбуотнинг аҳамияти ("Бирдан-бир наҳот матбуот-да, ягона халоскор – матбуот!" 18-бет), ундан "Муштум" журнали тахририятидаги июлий жараёнга кўчади. Болшевиклар сиёсати авжга чиқа бошлаган, маҳаллий халқ зиёлилари, айниқса, маърифатпарварлик ҳаракати вакилларига нисбатан тазйиқлар кучайган палла. Қодирийнинг "Йиғинди гаплар"и "Муштум" журналида чоп этилади.

Ҳаммаси шундан бошланади, дейиш ноўрин... Балки миллат онгидаги ҳурликка интилиш ҳиссини йўқотишга қаратилган Сталин бошиқч болшавойлар қаттол сиёсатининг собитлашуви ва уни ташувчи "итторак"ларнинг (М.Булгаков) ўзгача фикрловчилар устидан ҳукмронликни бошлаган фурсати дейиш ўринлидир.

Абдулла Қодирий шёър, ҳикоя, пьеса машқ қилар, мақолалар ёзарди. Шунда у ҳажвий журналистикага берилди. Нера? Қиссада бунинг сабаби қаҳрамоннинг сўзларию амалларида изоҳланган.

Қодирий Мунаввар қорининг "Тараққий" газетасида ёзган фикрларини эслайди ва ҳаёлан хитоб қилади: "Хўп ёзган, топиб ёзган, англаб етармиканлар деган ниятда аччиқ, қиличнинг тигидек ўткир ёзган

– дунёга нима учун келганини билдирмоқликни кўзламоқ зарур, билсин ахир, одамларимиз! Билсин, билсин, кўзи очилсин! Йўқ, яна бир қарра, ўн қарра йўқим, "...билмаслар, билмаганликларини ҳам билмаслар!" (29-бет).

Яна савол беради Қодирий: "Буюк падаримиз Бехбудий ҳаётини, умрини, жисми жонини гумроҳлар боши узра машъала ўрнида ёқди – билдиларми?" (30-бет).

Фитратни, Чўлпонни эслайди, Таваллонинг маърифий шеърларига мурожаат қилади. "Бошқа миллат қилди гайрат, минди мақсад отиға, Маҳрум ўлдук лоф уриб, чойхоналарда куну тун.

Офарин, домолло Тавалло, офарин! Аччиқроқ, чимдимроқ айтаверинг эмди ҳақ сўзни, Усто, аччиқроқ! Гайрат уйи эмас чойхона, гафлат уйи, уйку уйи – ҳасратхона. Неча-неча эр йиғитлар умри зое – чойхона! Чойхонага қурбон эл қалбида ўқимокча муҳаббат уйғотмоқлик учун ҳам кўп, рост ва қизиқ ёзмोकлик шарт" (31-бет).

Бу фикрлардан қўринадик, оддий насиҳатомуз гаплар

одамларга таъсир қилмай қўйдан. Хуршид Дўстмуҳаммад бунни турли ҳаётги саҳналарда, гурунглар воситасида кўрсатиб берган.

Маҳалладошлар аҳоли ҳақида чойхонадаги ҳолат тасвиридан бир чимдим: "...ўтганнинг ўроғини-кетганининг кетмонини пайров қиладиган чапани йиғитлар гап айтишга баҳона истагандай анграйибсанграйиб ўтиришарди..."

Шунда кўчада кетаётган Қодирийга кўзлари тушади.

"– Ҳой, Абди, – деб қақирди гулдор қийиқли йиғит Хизр бувани учратгандек севиниб. Бироқ у узун энгининг ичидаги беданаси чўчиб кетмасин деган ҳавотирда қўлини орқасига қайириб, бўш қўли билан имлаб қақирди, қарийб шивирлади: – Бу ёққа қара!"

Чапани йиғитлар (бири беданавоз) аҳволотини кўринг. У завоқ ўлкада таҳсил олиб, эндигина қайтган Абдулладан сафар таассуротларини айтиб беришини талаб қилади. А.Қодирий:

"– ... ўқш мақсадини кўзлаб оқиб келаётган йиғит-қизлар билан гурунг қилсангиз баҳридилнингиз очилди. Ҳайрат ва ҳавасдан ёқа тутасиз!"

Энди берилган жавоб мағзидан изланган "мантиққа" диққат қилинг:

"– Нечта қиз билан гурунглашдинг? Беш-олтитасини етаклаб келмабсан-да Эшонгузарга!

– Воҳ-воҳ-воҳе-й-й!  
– Оҳ-оҳ-оҳе-е-й-й!  
– Жонимми қоқай-й, жо-

Ота-онанинг болага таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаслиги маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.





нингда-а-а-н!

Сафар таассуротлари қолиб аския қизиди..."(65-бет)

Изоҳга ўрин йўқ, лекин савол бор. Қодирийларнинг матрифи суҳбатини ўзлаштиришга қурби етмайдиган, бунинг учун ҳаракат ҳам қилиб кўрмайдиган, истамайдиган, эринадиган, ҳар қандай мумаммо таҳлили жараёнини енгил-елпи кўнгилхушликларга буриб юбориш билан "роҳатландиган", аслида ҳар қандай тугун ечимини кулгига олиб ўзининг товқумиялигини тан олмайди "оми-оломон" тасвирига эътибор бердингизми? Афсуски бундайлар ҳеч қачон йўқолмайди. Жадидларнинг ҳаракати умиди уларнинг сонини камайитириш эканлиги асар қаҳрамони фикрларида мужассам.

Хуршид Дўстмуҳаммад кўни-кўншлиларнинг Қодирийга муносабатини ёш қизчалар ҳаракати ва сўзларида беозор тасвирлаган бўладики, бунда уларнинг муштабид жамият шақллантирган тубан дунёқараш акс этган.

"Бир пайт дўлანазор адоғидаги пастак гуваляк девор оша

ман ҳарф ҳам танимамайман..."(44-бет).

Фикрлашдан маҳрумлик. Билимсизликдан шукроналик — миллатнинг бўлгуси оналари, демакким, келажак болаларининг ақлий мажруҳлиги, яъниким, фожеа асоси...

Асарда бу тахлит "шукроналик"ни халққа ўргатадиган Исоқ домла образини ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад маҳорат билан бера олган. Унинг фикрига қулоқ тутинг.

"— Улдурким, ман санга айтсам, ёзғувчилик — асли шайтонни лаъинни касми!"

Маҳалла "чапанлари", домла, қиз-жувонлар аҳволи ойдинлашмоқда. Бундан кўриниб турибдики, асар қаҳрамони ўз маҳалласида ЁЛФИЗ эди...

Бобоси Абдулла тараф бўлса-да, унинг ҳам ўз ҳақиқати бор — "Ҳақ гап мағзи бамисоли аччиқ бодом, уни қадрига етган одамни ўзи қадр топмайди, болам. Ҳаёт азал шундай..."(41-бет).

Ўзи ишлайдиган тахририятдачи? Унда нега уни сафдошлари ёлғизлатди? Бугунгача ҳукм сураётган ғалати ҳолат.

моатчилик учун нақадар аҳамияти эканлигини аниқлатади. Жамиятнинг ЁЛФИЗ маҳамми...

Аччиқ гаплар оддий одамларга ёқди, лекин Наполеондай қаттол император ҳам журналистларни "кўча санитарлари" деб, уларнинг зарурлигини тан олган бўлса-да, аксарият ҳукмдорларга уларнинг кинояю кесатиклари, танқидлари ёқмайди.

"...Абдулла Қодирий "Овсар" тахаллуси остида ёзган "Йиғинди гаплар" мақола-сини ўқир эканман мақола мазмунига кўра унинг йўналиши Ўзбекистон ҳукумати-нинг масъул раҳбарларини обрўсизлантиришга қаратилган, шунингдек, Ўзбекистон компартияси ва совҳукумати томонидан ўтказилган гоятда муҳим тадбирлар устидан кулган ва уларни танқид остига олганким, мақола очикдан-очик аксилинқилобий мақсадда тайёрланган ҳамда у журналда босиш орқали кенг оммага тарқатилганким, ул эгаллаб турган вазифасига кўра муҳрири ўринбосари бўлиб хизмат вазифасидан фойдаланган ва

асари қаҳрамони — Абдулла Қодирий миллат равақи, ҳурлиги учун "...ягона халоскор — матбуот", деб турибди. Агидулин ёзган айбнома билан ҳуррият даврида уюштирилган айбноманинг ўхшашигини тан олинг... Иккала публицистик асар ҳам жамият равақи учун ёзилган, иккаласи ҳам муносиб иш қилмаётган мутасаддиларга қаратилган аччиқ сўзлар. Лекин хулоса чиқариш, аҳволни яхшилаш ўрнига улардан халқ ва давлат душмани ясалмоқда.

Демак, Агидулинлар ҳеч қачон йўқолмас экан-да, деган афсус юракка гашлик солади...

Хуршид Дўстмуҳаммад "Ёлғиз"да "Ўткан кунлар"даги образлар, жумладан, Юсуфбек ҳожи, Отабек, Кумуш, Ҳомидлардан маҳорат билан фойдаланган. Айтишга, муҳаббат ёшидаги китобхонларни Юсуфбек ҳожи образига чорлаши жуда муҳим, жуда мароқли.

"Абдулла ич-ичидан пўртанадек отилиб чиққан соғинч эпкинидан қалқиб тушди. Гарчи рўмоннинг бош қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш-биби эсалар-да, Юсуфбек ҳожига эътимоди ўзгача, унга бағишланган саҳифаларни такрор-батакрор мутулаа қилишдан чарчамас, зерикмасди ҳам. "Ўткан кунлар"га ҳаёл қочган лаҳзада кўз ўнгидеки биринчи навбатда Юсуфбек ҳожи гавдаланар, қай воқеага қалам урмасин, ҳар бир сўзи, жумласи, тасвири бичимини ясашда, албатта, мўлжални Юсуфбек ҳожининг назар-нигоҳидан келиб чиққан ҳолда олишга ҳаракат қиларди. Гўё рўмонни Юсуфбек ҳожи учун ёзгандек, Юсуфбек ҳожининг андишаси учун яратгандек, андек сакталликка йўл қўйса, авваломбор, Юсуфбек ҳожининг олдида хишлоқли ҳолатга тушадигандек, бу фазийсёб ва шукуҳли сиймога бағишланган тасвирлар ёд бўлиб кетганди"(69-бет).

Х.Дўстмуҳаммад ўз асаридеки Юсуфбек ҳожи образига муножаат қилар экан юртини ҳур ва адолатли кўришни истаган миллат доғишманди сифатида кенгроқ тасвирлайди. Бугунги ўқувчига Абдулла Қодирий қаттол сиёсат бақорчи ёритолмаган, лекин "Ўткан кунлар" мағзига сингирган, ҳар киши ҳам илғаша қийин бўлган синоатларни очиклайди.

Худди шу ўринда Мусо Ташмуҳаммад ўгли Ойбекнинг "Абдулла Қодирий типик жадид эди..." Асарларининг мавзулари, идеяларига эмас, балки уларнинг формал тузилишлари, бадий хусусиятлари, даражалари ҳам жадид адабиётининг типик намуналарини ташкил этади", деб уни бехизга танқид қилмаганини хотирлагимиз келди.

Жадидлар ғояси нима эди, деган саволга жавобни такрорлашдан чарчамаймиз — ОЗОДЛИК эди!..

Шу боис Абдулла Қоди-

рийнинг бандиликда "Омиоломон ҳаётига янгилик шабадасини олиб кирувчи яқкаю ягона куч — матбуот", деб ўйлаганини эътироф этсак-да, "Абдулла етти улаб тушига кирмагани мана шундай аҳволда қолиши, бор-йўғи матбуотга гап ёзғувчи муҳбир-мусанниф бўлса, нимаики ёзса янги жамиятнинг корига яраш, ёмонни камайитириш — яхшини кўпайитириш дардида ёзди..." деган ёзувчи изоҳига бироз бошқачароқ қарагимиз келди.

Қисса қаҳрамони, Ойбек айтмоқчи, жадидлар ғояси билан тарбия топган Абдулла Қодирийнинг "Йиғинди гаплар"и фақат 1926 йил воқеалари муносабати билан эмас, балки билимсизлик, иттифоқсизлик, сотқинлик сабаб асралмаган озодлик қайғуси, адолатсизлик сабаб "мажаҳлаб" ташланган Туркистон мухторияти қонга ботирилганининг саккиз йиллиқига бағишланган ва албатта, қалбда йиғилиб қолган дарду аламлар эди.

Очлик эълон қилган Қодирийнинг аҳволини кўрган турма шифокорининг "Шундай рўмон ёзган одамни аянч аҳволга солишибди, инсофсизлар! Уч қайта ўқидим, яна ўқийман! Кумуш нега ўлди, ука? Нега?! Юраклар дош беролмади, ука. Эракк бошимга йиғилдим, жон, ука!" (122-бет) деган дилни эзар сўзлари ёки Қодирийнинг хўнг-хўнг йиғилганча онасига "Кумуш ўлди, бибижон! Кумуш биби ўлиб қолди..."(123-бет) деб айтган гаплари қаттидаги ҳаяжонли уч нуқта билан берилган моҳият.

Кумушбиби — ҳуррият мустақиллик томонидан ўлдирилган эди... Ким қанча йилламасин у фаним захридан ҳалок бўлган эди.

Хуршид Дўстмуҳаммад Туркистоннинг ана шу аламли тарихида болшевиклар сиёсатида кўнишолмай юрган юрт зиёлилари тимсолони, жадидлар ботинидаги жасоратни, шижоатни, қолаверса, тушкунликни Қодирий образидеки ишонарли, таъсирли тасвирлаган.

"Ёлғиз" — ҳурлик йўлида бошни кундага қўйиб бўлса-да, тўғри сўз айтган бобо(лари)миз тақабдири!..

"Ёлғиз" — шу пайтгача ҳақиқатни ёзиб, оқибатда таҳқирланганлар қисмати!..

"Ёлғиз" — салтанат соҳибларининг келгусида танқидга тўғри муносабатда бўлишга интилиши зарурлиги хусусида ўтинчи!..

"Ёлғиз" — ҳақ сўзни айтган инсонни жамият қўллаб-қувватлаши зарурлиги ҳақида чорлов!..

"Ёлғиз" — айтилганлар кўни-йида азобланаётган ёлғиз қалб изтироблари...

Китобни ўқиган ҳар бир зиёли бундай эътирофлар қаторига ўз ҳақиқатларини қўйиши, шубҳасиздир!

Ҳалим САИД

# ИЗТИРОБЛАРИ

**Аччиқ гаплар оддий одамларга ёқди, лекин Наполеондай қаттол император ҳам журналистларни "кўча санитарлари" деб, уларнинг зарурлигини тан олган бўлса-да, аксарият ҳукмдорларга уларнинг кинояю кесатиклари, танқидлари ёқмайди.**

икки-уч қизалоқ чехралари лип-лип ўта бошлади. Ўша тарафдан дугоналарнинг эҳтиёт-корона қиқирлагани чалинди қулоққа. Бироқ бу шарплару қиқирлашлар тақир ер устидаги кўрпачада чордона қуриб ўтирган ёзувчининг фикрини чалғитолмади. Ваҳоланки, гуваляк девор оша ўғринча уни кузатаётган қора кўз қизлар ўзлари билганларича кўшни Жулқунбойни гийбат қилаётган эдилар.

— Хат битвотти! — шивирлади қизлардан бири.

— Нималарни битвотганикин, тавба-а-а! — Ҳаяжондан энтикиб илова қилди бошқаси. — Хадич, кўшнингни феъли санга матълумдир ахир? Айт, билсанг!

Дугоналарнинг учинчиси — Хадича узоқ ўйламай "аниқ-тиниқ" ойдинлик киритди:

— Ёмон одам бўлса керакки, тинмай ёзади!..

— Астафуриллоҳ, ўзинг асра бундай одамлардан! Яхшиям, ёзишни билмайман!..

— Ўзингга шукр,

Дўсти Ҳожи Юнусдан хафа бўлиб шундай ўй суради Қодирий:

"Кулгини камайтир, газабингни жиловла — жиддий оҳангда ёз мақолани, деб ақл сўкигани-сўкиган Ҳожи. Вой, ақлингдан сани, Ҳожи! Вой, дўстим, деган тилингга жонимни қоқай! Кулгини, таъна-ўпканни тўкмасанг кимга керак бундай мақоланг?! Меҳрингни бер, диққат ила ўқи, оғайни, маним мақолаларим — маним дардларим ахир! Ёзар сиёҳим — дардларим, шу боисдан ҳам захар у, захар. Бўлак сиёҳдан қўлимга қалам тутмайман, Ҳожи! Сен билан қачонгача сўқишамиз, Ҳожи? Сендек қалами пухта-сўзи ўткир биродарим билан тил топишолмасам, ким қолади ёнимда, ким?!"

Демак, Қодирий ишхонасида, ижод майдонида ҳам ЁЛФИЗ эди... Шундай бўлса-да, азият чеккан, ноҳақликча учраган одамлар Жулқунбойни излаб тахририятга келардиларки, бу ҳажвнинг ўрни жабрдийда жа-

уни суистеъмол қилган ҳолда муҳаррирнинг қатъий тақиқлаганига қарамай мақолани навбатдаги сонда эълон қилдирган..."

Большавой зобит Агидулин томонидан жиноят иши кўзга-тиш учун ёзилган асосномадан парча бу. Қиссада журналист устидан иш очиб жўлиги, мантисизлиги ҳужжатлар асосида очиб берилган.

Бўпти, озодлигимиз душманлари малайлари — Агидулинларнинг МАҚСАДИ ҳар неқилиб бўлса-да, **БАЖАРИШ — ОБРЎ ОЛИШ**. Кимни эзиб, янчапсан, фарқи йўқ... Асарда "Бўлма" образидеки берилган жиноятчида-да фарқи бор, лекин улар учун аҳамиятсиз...

Бугунчи? Бугун озодмику! Раҳбарлардан бирининг саксон ёшга қаршилаган "ғирт газетчи" устидан фуқаролик судига, яъни фуқаро сифатида қилган муножаати матнидаги кўйидаги кўчирмага эътибор қаратинг: "...мақола-нинг чоп этилиши айни пайтда мамлакатимизда олиб борилаётган мажбурий обунага қарши кураш, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатига қарши нуқтаи назарни ифодаловчи мақола бўлди. ...амалга оширилаётган ислохотларга нотўғри муносабат шаклланишига олиб келди" ("XXI аср" газетаси). Судга берилган мақола матбуотнинг аҳамияти ҳақида эди. Хуршид Дўстмуҳаммад

Коронавирус инфекциясига қарши кураш даврида аҳолини тез тиббий ёрдам хизмати билан кенг қамраб олиш мақсадида "Тез ёрдам" ходимлари қўшимча рағбатлантирилади.



**Ўн қарра сифатли  
ва уч қарра арзон  
маҳсулот ўрнига  
“Ўзимизники” бўл-  
ган саккиз қарра си-  
фатсиз ва уч марта  
қиммат маҳсулотни  
олиш кимга керак?!**

Президент Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципиал аҳамиятга эга эканини таъкидлади: «Мени ташвишлантирадиган масала шуки, корхоналаримиз ташқи рақобатга бардош бера оладими? Четдан товар кириб келса, юртимизда ишлаб чиқарилган худди шундай маҳсулот унга рақобатчи бўла оладими? Маҳаллий маҳсулотларнинг таннархини пасайтирсак, хориждан ўзлари олиб кетишади».

Синоат шундаки, монополия ҳолатида таннарх пасаймайди, чунки маҳаллий монополист маҳсулотнинг нархини арзонлаштириш учун янги технологияларни қўллаш, модернизациялаш ўрнига унинг маҳсулотига рақобат қиладиган хориждан кириб келаётган маҳсулотни тақиқлашни ёки унга катта бож солишни талаб қиладди, тожик маҳаллий халқимиз қиммат нархда унинг маҳсулотини сотиб олинсин. Ҳолбуки, ўша хорижий ишлаб чиқарувчи божларсиз ҳам транспортга, транзит харажатларга, экспорт солиқларига пул сарфлаб, олиб қиради, унинг маҳсулоти шундоқ ҳам қимматга тушади.

Давлат халқ учун бўлса, сиёсатнинг асл мақсади халқнинг фаровонлиги бўлса, халқ учун маҳсулотнинг сифати ва арзонлиги асосий аҳамиятга эгадир — нега халқ хорижнинг ўн қарра сифатли ва уч қарра арзон маҳсулот ўрнига “Ўзимизники” бўлган саккиз қарра сифатсиз ва уч марта қиммат маҳсулотни олиш керак?! “Ўзимизники” — бу кимники?!

Бугунги кунда 31 та товарлар гуруҳи ва 82 турдаги хизматлар бозорига 245 та корхона монопол ҳолатда сақланиб қолмоқда. Шунча сай-ҳаракатлар билан бор-йўғи 19 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича 70 та корхона монополистлар реестрдан чиқариш ҳолатига келтирилди, яъни шунча гап-сўзлар билан корхоналарнинг бешдан бирини бироз тебратишга қурбимиз етди.

### Нега монополияларни енгиб бўлмаяпти?

Президент монополизмга барҳам беришни талаб қилмоқда. Халқ ҳам монополистлардан шикоятлар қилмоқда. Президент ва халқ бир мақсадда экан, нега монополистларни енгиб бўлмаяпти?!



## “Ўзимизники” — бу кимники?!

Мутахассислар йўқлиги айтади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қиладиган тизим зарурилиги айтилади ва ҳоказо. Назаримизда, асосий сабаблар — сиёсий ироданинг заифлигида ва коррупциядадир. Нафс монополистларнинг луқмасига дош бера олмаётми.

Ўтган йилда истеъмолчилардан тушган 11 мингдан ортиқ шикоятларнинг 50 фоизи коммунал ва транспорт, 25 фоизи савдо, қолган 25 фоизи алоқа, молиявий хизматлар ва бошқа соҳаларга оид бўлган. Бунга асосий сабаб — монопол корхоналар ўз манфаатига мослаб ҳужжатлар ишлаб чиққан бўлиб, уларда истеъмолчилар манфаати тўлиқ инобатга олинмаган. Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузурдаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги тили ва тиши йўқдай.

Иқтисодий монополизмни тугатишга сиёсий монополизмни тугатиш орқали эришиш мумкин, сиёсий ҳуқуқлар таъминлиниши ва ҳурфикрлик монополизмга ва унинг асоси бўлган коррупцияга қарши курашиш имконини яратди. Бу — ҳалол сайлов тизими, эркин сайланадиган, турли сиёсий қарашларга очик, рақобатли парламент демократияси. Бу — ҳаққоний жамоат назорати ва фуқаролик жамияти мавжудлигидир. Бу эркин оммавий ахборот воситалари ва сўз эркинлигидир. Бу мустақил ва фақат қонунга кўра ҳукм чиқарадиган судлардир.

Агар монополистларга қарши бир-икки фикр айтган мустақил депутатлар таъқибга учраса, монополистни таъқиб қилган журналистлар “итваччалар” аталса ва бу ҳақорат жазосиз қолса, бугун юксак минбарда “рақобат шароитини яратиш, монополистларга барҳам бериш” ҳақида нутқ ирод этилиб, эртасига эрталабдан ҳукумат “маҳаллий ишлаб чиқарувчини ҳимоя қилиш учун” хориждан кириб келадиган автомобилларга, машиш техникаларга, қандалат маҳсулотларига ва ҳатто

пойабзалга янги ва катта божлар кириш қарорлари имзоланса, вазият ўзгармайди. Худди бугун коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурлари, йўл хариталари, қарорлар имзоланиб, эртасига юксак лавозимли сенаторлар, депутатлар, мансабдорларни даромади албатта декларация қилиниши лозимлар рўйхатидан чиқаришга оид қонун тақлиф этилгани каби. Номини монополиядан чиқариш деб аталадиган кўмита ҳам номини коррупцияга қарши курашиш деб аталадиган кўмита каби гунгу кўр бўлиб тураверса, вазият ўзгармайди.

### Нотабий “табий монополия”

Монополиянинг энг кўп учрайдиган тури “табий монополия”дир. Айтишларича, табий монополиянинг мавжудлиги «рақобат етишмаслиги», яъни, бир неча рақобатдош фирмаларнинг мавжудлиги битта фирманинг мавжудлигидан кўра кам фойда келтирадиган вазиятлар билан изоҳланади. Ҳали-ҳануз шўролар мафқураси таъсирида бўлган мамлакатлар каби Ўзбекистонда ҳам энергия, иссиқлик ва газ билан таъминлаш давлатнинг мажбурияти сифатида белгилиниб, иқтисодиётнинг энергетика тармоғини ташкил этишда давлат устун мавқега эгаллигича қолмоқда. Бу соҳаларга хусусий секторни киритиш керак. Лекин бу жараён шаффоф ва ҳалол бўлиши шарт. Соҳани тасарруф этиб турган гуруҳлар ўз яқинлари учун ўта “хусусий”, оилавий корхоналар тузилиши олиши монополиянинг янги бир ниқоб остида сақланишига олиб келади.

Бугунга келиб, халқро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим, давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга татбиқ этиш керак.

### Ўзгариш бўладими

Бугун бир томондан монополистларга қарши “кўмиталару комиссиялар” тузилиб, “қатъий қарорлар” чиқарилиб, “йўл хариталари” тасдиқланиб ётган бир пайтда, иккинчи томондан монополистлар “импортга солинадиган акциз солиқлари жорий этиш” ёки борларини “янада ошириш” тақлифларини киритишдан тўхтамаётдилар. Ёдимизда, қўшни республикалар билан чегаралар очилиб, дўстлик ва қардошлик ришталари тикланиши баробарида халқ автомобиллар, музлатгич ва чангютар машиналар, қандалат маҳсулотлари уларда арзонлигини англаб қолди ва мамлакатга олиб кира бошлади. Ичкаридаги монополистларнинг маҳсулотлари касод бўла бошлади. Улар нафсларини тийишлари, ишлаб чиқаришни модернизация қилишлари, рақобат шароитига ўрганишлари керак эди.

Бугунга келиб, халқро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим, давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга татбиқ этиш керак.

Лекин булар дарров четдан бу маҳсулотларни олиб киришни чеклайдиган қарор чиқартиришга эришилди. Бу кетишда қачон рақобат шароити жорий этилади?!

Янги мисол: бензин масаласи. Яқиндагина жаҳонда нефть нархи тушгани туфайли, хориждан кириб келаётган бензин нархи арзонлашди. Ҳайдовчиларимиз «Ўзбекнефтгаз» маҳсулотини эмас, чет эл бензинини сотиб ола бошладилар. «Маҳаллий ишлаб чиқарувчи» дарҳол айрим тайёр нефть маҳсулотларининг импортига солинадиган акциз солиғи ставкаларини “қайта кўриб чиқишни” сўради, яъни халқ сотиб олётган хориж бензинини қимматлаштиришни

истади. Монополистлик шароитини яна чўзишни талаб қилди. Ҳукуматни рақобат шароитини яратиш истаги нима бўлди?! Халқ фаровонлиги эмас, монополист ташкилот “фаровонлиги” устун қўйилса, орзу қилинган кунлар олислаб бораверди.

Кучли жамоатчилик норозилиги ижтимоий тармоқларга қалқиб чиққач, бу лоббистлик қарори имзоланмади. Аммо монополист тинч ўтиргани йўқ, халққа ва ҳукуматга дағдаға қилди — 80-рақамли бензин энди умуман ишлаб чиқарилмаслигини эълон қилди, ундан бир-икки минг сўм қиммат

бензинни олишга мажбур қилмоқчи бўляпти. Ишлаб турган заводлар тўхтамайди, амалда ўша бензинни бир-икки октан қўшиб энди юқори нархда сотишади.

“Агар бизнинг нефть ва нефть маҳсулотларимиз нарх туфайли шу турдаги импорт маҳсулотлар билан рақобатга кириша олмаётган экан, демак, уларда ишлаб чиқариш бўйича катта муаммолар бор. Яъни бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бизга қимматга тушяпти”, — деди бир депутатимиз. Энергетика соҳасида ускуналарнинг аксарияти шўро давридан қолгани сир эмас ва бу, масалан, электр ишлаб чиқаришни 20% қимматлаштиради. Агар технология янгиланса, электр 20%га арзонлашади. Ишлаб чиқарилган электрнинг 30% узатиш тизимининг эскирганлиги туфайли йўқ бўлади, демак узатиш тизими янгиланса (масалан, хусусий инвесторлар киритилса), яна нарх учдан бирга арзонлашади. Агар электрчилар “чапга” улаб берган, соққаси чўнтакка кетаётган ливиялар қирқилса, пули соҳага тушса, коррупциянинг пайи қирқилса, яна 30% нарх тушади. Биз ҳозир шу сабаблар туфайли уни уч баробар қимматга оляпмиз.

Модернизация қилиш, соҳада монополияни тугатиш, рақобат шароитини киритиш ўрнига, муаммоларни ҳал этиш учун ҳар гал электр нархи оширилади.

### “Нима қолди Ҳасанга”

Оммавий бўлмаган имтиёз ҳамиша кимгадир афзаллик бериши баробарида кимгадир зарар етказлади. Бу табиий қонуниятдир. Кўриб ўтганимиздек, агар кимдир солиқдан озод қилинса, бошқа бир солиқ тўловчига оширилади, чунки бюджетнинг даромад қисми камайишига кўл қўйилмайди. Ёки, дейлик, банклар кимгадир имтиёзли кредит беришга мажбурланса



Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотариат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Жамият — ислохотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.



“Рақамли Тошкент” комплекс дастури доирасида Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш режа-жадвали тасдиқланди.

◀ (масалан, “ёш оилаларга”) ёки “арзон уйларга”), бошқа бировларга, яъни мижози бўлган халққа кредит фойзини оширади, чунки банк ҳам зарарига ишлай олмайди. Имтиёз олганнинг ҳисобини фойзи ошган кредит эгаси тўлайди. Адолат бўлса иқтисод ривожланади, акс ҳолда пароканда бўлади.

Биз сабабларини бошқа ёқдан излаётган жуда кўп муаммоларимизнинг — қашшоқликнинг, ишсизликнинг, технологик қолоқликнинг асосий сабабчиси монополистик тизимнинг ҳукмронлиги ва бу ҳукмронликка йўл очган коррупциянинг мавжудлигидир. Бу иқтисодий ҳолат сиёсий, маъмурий ва ижтимоий ислохотларсиз тўзталмайди.

Сир эмас, яқин ўн йилликларимизнинг асосий муаммоси — аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг аҳоли умумий сонига юқорилиги — 60%дан юқорилиги бўлади. Аслида бу афзалликдир. Чунки бутун ривожланган дунёда ишлайдиган аҳоли камлиги ва таъминланиши керак бўлган вояга етмаганлар ва кексаларнинг кўплиги катта муаммо бўлиб, пенсия ёшини кўтаришга уринишлар бўлди ва қаршиликка учради. Бизда эса ишланши истовчилар ва ишлаш ёшидагилар кўп. Бизга уларни ишлатадиган иқтисод лозим.

Улкан табиий бойликларимиз ва моддий ресурсларимиз мавжудлиги ҳолатида ишсизларнинг кўплиги ва уларнинг ҳорғинла сарсон-саргардонлиги сабаби аҳолининг тез ўсиши эмас, юксак монополизм ва коррупциядир. Коррупция иқтисодий қувватимизни смирмоқда, тadbirkorликка қизиқишни сўндирмоқда ҳамда ишлаб чиқариш кучларини заифлаштирмоқда.

Шавкат Мирзиёев “қора кунлар” деб атаган чорак аср давомида бизда гайритабиий иқтисод ҳукмронлик қилди, яъни яппи ички маҳсулотнинг катта қисми яширин иқтисод соҳасида тасарруф қилинди. Коррупциялашган мансабдорлар мамлакатни ривожлантириш, иқтисод соҳаларини ўстириш эмас, ўз бойликларини кўпайтириш ҳаракатида бўлдилар. Оқибатда бизнес ривожланмади, сармоядорлар кирмади ёки келганлари ҳам юртни тарк этди, контрабанда ҳажми ошди, яширин ишлаб чиқариш кўпайди, солиқлар бюджетга эмас, “откат”, “қисм” бўлиб чўнтакларга кирди. Иқтисоддан чўнтакка ва четдаги ҳисоб рақамларига олиб кўйилган маблағлар иқтисодда очик ишлаганда, минглаб-миллионлаб ишчи ўринлари яратиларди. Бутун уларнинг бир қисми шаффоф бўлмаган “тендерлар голиби” ўлароқ, юртга қайтаётгани ҳам сир эмас.

Иқтисодни ривожлантиришни истаган мансабдор 700 миллиондан то 1 миллиард долларгача сарфлангани айтиладиغان, ҳар куни концерт ва мажлис ўтказса ҳам, ўзини

оқламайдиган Форумлар саройи курмасди, бу пулга минглаб олам ишлайдиган, пахтани ўзини сотмай, қайта ишлайдиган 10та тўқимачилик корхонаси қуради ёки деҳқонларнинг ва фермерларнинг маҳсулотини қайта ишловчи 100та завод барпо этарди. Умуман катта қурилишлар, “аср лойиҳалари” ва улкан трассалар мўмай коррупция манбаларидир. Спортнинг ривожини ўйлаган раҳбарнинг қизи “откат”лардан Риналдуга ҳар йили тўлаган 6-7 миллион еврога қишлоқларда узоқ футбол майдонлари қуриш ва футболчилар етиштириш мумкин эди. Монополистик иқтисодиёт ва уни юзага келтирган ва яшашига имконият берадиган монополистик сиёсий тизим Шавкат Мирзиёев орзу қилаётган ва даъват этаётган янги ислохотлар натижасида ўзгариши керак.

### Дарвоқе...

Монополияни енгиш, халқ фаровонлигини ошириш учун нималар қилиш керак? Жавоб юзада кўришни турибди ва қайта-қайта таъкидланмоқда.

Аввало, алоҳида маҳсулот турлари олдидаги юқори божхона тўловлари ва сунъий ўрнатилган нотариф тўсиқлар олиб ташланиши керак. Бу маҳаллий корхоналарни рақобат ҳолатига дучор қилади ва уларнинг халқ ва истеъмолчилар устидан ҳукмбардорлигини тугатади. Акс ҳолда хориж автомашиналарини катта бож тўлайти қиритмаётган бир-икки корхона машина харидорларини талашда давом этади, нима экишда ва кимга сотишга эркин бўлмаган фермер ва деҳқонлар қийналади, маиший техника, қандолатчилик маҳсулотлари, пойабзал ва ҳоказо маҳсулотлар оладиган харидорлар сифатсиз ашёни қимматга олишда давом этадилар...


Иккинчидан, алоҳида компанияларнинг якка тартибда олган имтиёзлари — солиқ ва божлардан озод қилинишлари ёки кам тўлашлари, имтиёзли кредит олишлари, моддий заҳираларга якка эгаллик қилишлари бекор бўлиши лозим. Акс ҳолда энг тadbirkor, моҳир, ҳалол бизнесменлар эмас, маккор, олғир ва қаллоб бизнес эгалари афзалликка эришадилар. Улкан коррупция шу нуқтада ўрнашади. Бу иқтисодимизнинг рақобатбардорлигини сусайтиради.

Учинчидан, “табиий монополиялар”нинг нотабиий монополияси тугатилиши шарт. Масалан, энергетика, транспорт, коммунал хизмат соҳаларида бир неча бор эълон қилинган монополиядан чиқариш ниҳоят амалга оширилиши лозим.

Умид қиламизки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу соҳалаги мажлисида баён қилган даъватлари иқтисодни ва сиёсатни жиддий ислох қилишга туртки бўлади.

**Карим БАҲРИЕВ,**  
Ўзбекистон Журналистлари  
ижодий уюшмаси Жамоатчилик  
кенгаши раиси

# Мактабда ўқимаса ҳам бўлаверади...ми?



**Мактабда таълим сифати, самарадорлиги, ўқитувчилар меҳнати ҳамда репетитор фаолияти ҳақида ўтган йиллар давомида газетамизда бир қанча мақолалар эълон қилинди. Бу масала юзасидан жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, таҳлилга тортилди. Лекин халқни қийнаб келаётган ушбу оғриқли муаммога соҳа мутасаддиларидан бирон амалий ҳаракат кузатилгани йўқ.**

Масалага мутасаддилар ечим топишга уринмагани, жамоатчиликнинг билдирган ўринли таклифлари инobatда олинмагандан сўнг бу иш бевосита давлат раҳбарининг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Ҳақиқатан, давлат таълим тизимига миллиардлаб маблағ ажратади, гамхўрлик қилади. Ота-оналар фарзандининг билими бўлиши учун қўлидан келганини аямайди. Устоз-мураббийлар эса ўқувчига илм бериш учун доимий излашда. Фарзандлар ўқиб маърифатли бўлиш учун астойдил бел болаган...

### Унда муаммо нимада?

«Репетитор» деган сўз бизга қачон кириб келганига аҳамият қаратсак, таълимнинг сифат даражаси қачондан бой берилга бошлагани аён бўлади. Ўқувчи ўн бир йил давомида ўзлаштирмаган билимини пайти келиб репетитор санокли ойлари ичида етказиб берадиган бўлди. Бу жуда юқори натижа. Аммо нега биргина репетитор хусусий тартибда берган билимини бутун бир педагогик жамоа — улкан таълим тизими уддалашни зиммасига олмайди? Қайтага репетиторлар учун катта йўл, кенг имкониятлар яратиб берилди. Мактабда ўқувчига дарс бериш касбий вазифаси бўлган, бунинг учун давлат бюджетидан маош оладиганлар ўз синфидagi болалардан репетиторлик гуруҳи тузиб олиш билан даромад манбаини икки ҳисса оширгани ҳеч кимни таажубга солмади. Бора-бора бу иш мактабларда энг ичидаги «легал» фаолият турига айланди.

Синфдошларнинг кўпчилиги шу йўлни тутгандан

кейин ўқувчида танлаш имконияти қоладими? У ҳам ота-онасига дейди қилиб, шу сафга қўшилиди, албатта. Қарабизки, асосий дарслар иккинчи даражага тушиб, репетиторлик машғулоти юқори мартабага чиқиб олади.

Ўқитувчисининг раъйини қайтармай, унга лаббай деб жавоб бериб, тезда репетиторлик гуруҳига қўшилган ақли ўқувчи билан ўқитувчи орасида ҳамма муносабатлар бир текис йўлга қўйилади. Чунки эндиликда у ўқитувчи учун алоҳида даромад келтирувчи объект-да.

Мактабларда ўз вазифасини виждонан бажарадиган, ўқувчиси учун ўз фарзандидан ҳам кўпроқ қайғурадиган фидойий ўқитувчилар кўплиги бизнинг бахтимиз, албатта. Уларнинг дарс беришдаги фаолиятдан гўёки қониқмайдиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. «Мактаб барибир яхши таълим бера олмайди, мактабда яхши ўқитувчилар йўқ, яхшиси, фарзандини репетиторга берсам, бирпасда ҳамма нарсаини ўрганиб олади», қабилида фикрлайдиган айрим ота-оналар ўқувчининг мактаб ва ундаги таълимга нисбатан ишончнини сўндиришган, десак хато бўлмайди. Аслида ўқувчига йиллар давомида мактаб ўқитувчиси таълим бериб, билимини юксалтириб бориши керак. Бунинг орқасида мактаб жамоасининг катта ва заҳматли меҳнати бор. Бироқ баъзан ўқувчининг ўқишга киришдаги катта муваффақиятига негадир бошқалар эга чиқади. Бу эса, мактаб ва ундаги таълим тизимига бўлган ишончнини йўқотиши билан бирга, мактаб жамоаси учун ҳам маънавий зарба бўлади.

Афсуски, бугун мактаб ёшиданоқ оилада ўз ҳолига

ташлаб қўйилган ёки ноҳилис қарашлар билан тарбияланаётган фарзандлар йўқ эмас. Баъзи ота-оналар фарзанддаги бундай ҳолатга мутлақо бепарқ. Натижада, бола ким қарерга етказилса, ўшанинг етовига юриб кетаверади. Илми, маърифатли бўлиши, интеллектуал салоҳиятни эгаллаши керак бўлган болалар вояга етгач, жамиятга шунчаки индивид шаклида кириб келади. Бу эса, жамият учун энг хатарли ҳолат.

Хусусий секторда репетиторлик фаолияти қўллаб-қувватланиши, уларга шарт-шароитлар яратиб берилиши, қонуний йўл қўйилиши айрим-айримнинг сунистеъмолчилик кайфиятига, халқ таълимини тўлиғича даромад манбаига айлантириб олишига сабаб бўлди.

### Ишонч сусайди

Икки ўртада ҳар қандай ҳолда мактабни тарк этмай фидойий меҳнат қилаётган ўқитувчиларга, мактаб жамоасига, таълим тизимига ишонч сусайди. Репетиторга борадиган одам мактабда ўқимаса ҳам бўлаверади, қабилидаги нотўғри фикр шаклланишига сабаб бўлди.

Тинимсиз меҳнат эвазига ўз ҳақини пешона тери билан топаётган ўқув марказлари ҳам кўп. Улар ўз вақтида мактабда олинмаган билимнинг ўрнини тўлдирish учун ҳаракат қилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шундай қаттиққўл ва талабчан педагоглар ёрдамида минг-минглаб ўқувчилар қисқа вақтдан унумли фойдаланиб билим олиш, ўз устида ишлаш, энг муҳими, ҳаққоний натижага эришиш нималигини билиб олишди. Ўн бир йил давомида мактабдан олмаган билимнини олти ой ичида репетитордан топпанлар кам дейсизми?

Бирма-бир таҳлил қилганда мактаб ва ўқитувчи, ота-она ва фарзанд ҳамда репетитор орасидаги бу муаммо юзага келишидан жиддий манфаатдорлар борга ўхшайди. Акс ҳолда, бу муаммога йўл қўйилмаган, масалага тизимли ёндашилган ва ўз вақтида ижобий ҳал қилинган бўлар эди.



Ҳокимликлар ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот беради.

# Тошкент ҳақми, мижоз?

**“Жамият” газетасининг шу йил 10 июль сониди “Бу ерда мен раҳбарман, нима гапингиз бўлса менга айтинг!” номли мақола чоп этилганда. Унда Mobicom компаниясига тегишли Самарқанд шаҳри Сартена мавзесидаги шохобчада мижозларга хизмат кўрсатишдаги камчиликлар кўрсатилганда.**

моқда. Аммо мақола муаллифи веб-сайтга кириб ўтирмасдан, компаниянинг тижорат ҳамкоридан операторнинг ички буйруқларини талаб қилган.

Энг муҳими — мақола бош мавзусига айлантирилган, компания карантин даврида тарифларни ўзгартириш учун нархларни оширганлиги ҳақида айблов умуман ҳақиқатга тўғри келмайди. Зеро, янги нархлар расман шу йилнинг 2 март насидида, яъни коронавирус ilk беморда аниқланган кундан деярли икки ҳафта аввал кучга кирган!”

Жавоб тахрирсиз эълон қилинди. Унинг кўплаб хатолардан йироқ эмаслигини, жумлалар пойма-пойлигини, албатта, зийрак муштарий сезиб турибди.

Унда шундай давом этилади: “Оммавий шартномага кўра, компания бундай ўзгаришлар ҳақида абонентларга камиди 10 кун аввал маълум қилиши керак. Шундай экан, тарифни ўзгартириш нархлари бўйича янгиланган маълумот шу йилнинг 20 февралда чоп этилган. Уни ушбу ҳавола орқали ҳам кўриш мумкин: <https://mobi.uz/>

Шохобчага мижоз томонидан тарифдан тарифга ўтиш тўғрисида мурожаат қилинганда, бу ерда ўтирган йилги талабни бажарган, аммо унинг тарифдан тарифга ўтиш борасида аниқ маълумотга эга эмаслиги сезилиб қолган. Сабаби, унинг бу шохобчага алоқаси бўлмаган. Эртаси кун мижоз шохобча раҳбари Хушвақт Жўраевдан ҳам аниқ жавоб ололмаган. Бунинг устига Хушвақт Жўраев бир кун аввал ўзининг ўрнида ким ўтирганини яширишга ҳаракат қилган, мижозга “Бу ерда мен раҳбарман, нима гапингиз бўлса менга айтинг” дейишдан нарига ўтмаган. У тарифдан тарифга ўтиш ҳақи қачон оширилганини ҳам билмаган. У аввалига тўловнинг икки баравар ошганини 1 июлдан деб айтган, кейин эса 30 июндан деган. Бу билан у мижозни чалғитган.

Ушбу мақола юзасидан Mobicomнинг жамоатчилик билан алоқалар гуруҳи томонидан жавоб келди. Афсуски, унда мақолада кўрсатилган камчиликлар, уларни тўлатиш борасидаги ишлардан кўра, Mobicom фаолиятини реклама қилишга уринишибди.

Бугун дунёда коронавирус балосининг тарқалганига анча бўлди. Айримлар бу офатга кўникиб ҳам қолди. Уйда ўтириб, карантин қоидаларига риоя этаётганларга эса бугун ҳамма офарин демоқда. Лекин кўпдан кўп фикр чиққанидек, кўпга келган ушбу балодан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринаётганлар ҳам учрамоқда. Агар Mobicom компанияси Самарқанд бўлимининг шу шаҳардаги Сартена шохобчаси раҳбари Хушвақт Жўраевнинг айтганлари рост бўлса, мазкур компаниядагилар ҳам фурсатдан унумли фойдаланиб қолишмоқчига ўхшайди.

Қандай қилиб дейсизми? Мана, оддий мисол, тарифдан тарифга ўтиш тўлови бирданига икки бараварга ошибди. Буни бизга юқорида айтилган шохобча ходими айтди-ю, гапларини тасдиқловчи бирорта ҳужжат кўрсата олмади. Аммо мазкур хизмат учун компания ҳисобига ўн минг сўм тўлов олишни унутмади.

Кейин билсак, тарифдан тарифга ўтиш нархи раҳбар айтганидек, 30 июндан ҳам эмас, 1 июлдан ҳам эмас, анча аввал, компаниядагилар айтаётганларидек, юртимизда корона-

вирус балоси бошланишидан олдинроқ, 2 мартда оширилган экан. Қарангки, шохобчадагилар ана шу оддий маълумотни билишмайди.

Mobicomдагилар эса “Буни мухбир билиши керак эди”, деб иддао қилишган. Шу ерда савол туғилади. Нега Mobicom ходими ўз соҳасидаги бир неча ойлар аввал бўлган ўзгаришдан беҳабар? Шундай бўлгач, уни оддий мижоз ёки мухбир қаердан билсин? Мухбир ҳар қандай маълумотни тегишли соҳа эгаларидан аниқлаштириб олади-ку! Ҳа, кун ҳам (30 июнь, 2020 йил) мухбир Mobicomнинг Самарқанд бўлимидагилар билан боғланишга ҳаракат қилган. Аммо компанияга тегишли телефонлар орқали керакли мутахассислар билан боғланишнинг имкони бўлмаган. Бунинг учун муаллифдан айб ишлаш эмас камчилик ва муаммоларни тўғрилаш керак. Ахир, мижозлар мухбирга эмас компанияга керак-ку!

Тахририятга келган жавобда ёзилди: “Мақола мазмун-моҳиятидан мобил операторни коронавирус пандемияси даврида нархларни кўтарганликда асоссиз айблашга ҳаракат қилинган. Афсуски, мақола муаллифи мартнинг ўрасидан буён давом этаётган карантин даврида Mobicom абонентлар учун яратган шароитлардан беҳабар ёки атайин эса олган.”

Жавоб матнини қисқартириб бердик. Чунки масалага тааллуқли бўлмаган гаплар кўп бўлгани учун асосий мақсадни қолдиришга қарор қилдик. Бу билан компаниядан келган жавоб матнининг мазмун-моҳияти ўзгармаган.

“Коронавирус пандемияси даврида Mobicom томонидан яратилган кўплаб шарт-шароитларни мисол қилиб келтириш мумкин. Улар ҳақидаги барча маълумотлар расмий манба бўлган [www.mobi.uz](http://www.mobi.uz) веб-сайтида жойлаштириб борил-



га эга шахслардир. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда компания улар билан тенглик принципи асосида иш олиб боради ва фаолиятига арашмасликка ҳаракат қилади. Уларга муҳим талабларимиз — абонентларга меҳр-эътибор кўрсатиш, ҳушмуомала бўлиш ва хизматлар ҳақида тўғри маълумот беришдир”.

Кўриниб турибдики, компания зўр бериб ўз ходимларини ҳимоя қилишга интиломда. Тўғри, бу табиий ҳол.

Аммо, биринчидан, мақолада компанияга тегишли ўзгаришлар ҳақида ҳеч қандай сўз юритилмаган. Унда фақатгина компанияга алоқаси бўлмаган шахснинг ўзгалари ишига арашгани-ю, мижозга хизмат кўрсатаман, деб хатоликка йўл қўйгани, шохобча раҳбари тарифдан тарифга ўтиш тўлови

паниянинг нарх-наволари ҳақида маълумотга эга бўлмагани учун абонентга зарурий ахборот бера олмаган. Масала ўрганиб чиқилиб, ушбу тижорат ҳамкоримиз ҳамда унинг ходимларига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва бундай ҳолатлар такрорланмаслиги бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга Mobicom мобил оператори вакиллари мақола муаллифи билан боғланиб, унга тариф режаларини ўзгартириш тартиби, аввали ва ҳозирги тариф режаси, абонентда юзага келган ҳолат бўйича батафсил маълумот беришди. Абонент ўзига ёққан тарифни танлашда амалий ёрдам кўрсатилди.

Имкониятдан фойдаланган ҳолда мақола муаллифи ҳамда газетанинг барча ўқувчиларидан шахсий маълумотларга эҳтиёт бўлишларини, ҳусусан телефон рақамларини очик-ойдин оммавий жойда чоп этмаслигини илтимос қилиб қолардик. Бундай ҳолат салбий оқибатларга олиб келиши, ушбу маълумотлардан фибрирлар фойдаланиши мумкинлигини эслатиб ўтамыз.

Ҳурмат билан,  
Mobicom Жамоатчилик билан алоқалар гуруҳи”



**Жавоб тахрирсиз эълон қилинди. Унинг кўплаб хатолардан йироқ эмаслигини, жумлалар пойма-пойлигини, албатта, зийрак муштарий сезиб турибди.**

[uz/news/2020/20614/](http://uz/news/2020/20614/).

Бундан ташқари, компаниянинг веб-сайтидаги «Chilla Lite» тариф режаси саҳифасида (мақола муаллифи ёзганидек «Chilla» тарифига эмас, айнан шу тарифга ўтган) ҳам қуйидагича ёзилган: “Абонент тўлов каттароқ бўлган тариф режаларидан «Chilla Lite» ТРга ўтиш нархи 10 000 сўм”. Компания сайтига кириб, тариф шартлари билан танишиб чиқилса, барча саволларга жавоб олиш мумкин эди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдикки, таъкиднинг тижорат ҳамкорлари — бу мустақил бизнес-тузилмалар, яъни масъулияти чекланган жамият, ҳусусий ёки яқка тартибдаги тадбиркор мақоми-

қачон ўзгартирилганини билмагани ҳақида гап кетган. Бунга жавобан компаниядагилар тахририятга жавоб баҳонасида ўзларининг реклама хусусидаги маълумотларини қаторлаштириб келтиришайпти.

“Компаниямиз Сартена шохобчасидаги тижорат ҳамкори бўлган Хушвақт Жўраев билан юзага келган ҳолатни ўрганиб чиқди. Ҳусусан, абонент мурожаат қилган вақт тушукликка тўғри келганлиги учун хизмат кўрсатувчи оператор офисда бўлмаган. Абонентни куттирмалик учун ўша ерда бўлган мобил аксессуарлар сотувчиси унинг мурожаатини эшитган ва тариф режасини ўзгартиришга кўмаклашган, тўловини қабул қилган. У ком-

Нима бўлганда ҳам компания ташкилотчилари мижозга ёрдам кўрсатишди. Бироқ мижозларга муомала қилиш, уларнинг доим ҳақлигини инобатга олиб, ҳамкорлик қилишни унутмаслик керак. Жавоб матнида буларга аҳамият қаратилмаган. Мақсадимиз биргина мурожаатчининг муаммосини ҳал қилиш эмас. Бунга ўхшаш минглаб жабр кўрганлар бор. Улар айнан шу компаниядан дейишдан йироқмиз. Бошқа алоқа компанияларида ҳам талайгина камчиликлар бор. Бу эса, аввало, ўша компанияларнинг ўзларига зарар келтирди холос.

Тахририят.



Карантин даврида Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази хотин-қизлар учун турли хил қизиқарли онлайн ўқув дарслари ташкил этди.

# Фикрини она тилида ифодалай олмайдиганлар бор!

Ўсмирлик пайтларимда радио орқали бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳақида бир ривоят эшитгандим. Ривоятда айтилишича, бир инсон Абу Али ибн Сино қошига келиб, фарзанд тарбиясида нималарга эътибор бериш кераклиги, уни маънан тўғри парвариш қилиш учун қандай йўл тутиш лозимлиги ҳақида мурожаат қилади. Ибн Сино ундан фарзанди неччи ёшдалигини сўрайди. Халиги киши фарзанди бугун туғилганлигини айтади. Шунда улуғ ҳақим унга “Сиз фарзанд тарбиясига 9 ой кечикдингиз”, деган жавобни берган.

Кўтариш ва бу орқали ўз миллатига ва ўз ватанига садоқат руҳида тарбиялаш вазифаси ётади.

Она тилимизнинг қадр-қимматини, нуфузини ошириш учун олиб бораётган барча саъй-ҳаракатларимиз ўз натижасини бериши учун, энг аввало, фарзандларимизни ўз тилига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш масаласига бор эътиборимизни қаратишимиз лозим. Юқорида келтирилган ривоятда бобокалонимиз Абу Али ибн Сино таъкидлаганидек, тил тарбиясини ҳомиладорлик давриданок бошлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Шу кунларда ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида давлат тили мавзусидаги янгиликлар ҳар бир ўзбек миллатига мансуб инсонни безътибор қолдирмаслиги аниқ. Айниқса, самарқандлик фуқаро Доннёр Якубовнинг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги “Халқ фикри” номли гуруҳда ўзининг профилидан ўзбек тили ва миллатини камситиш фикрларини қолдирганлиги қалбимни ларзага солди. Инсон ўз тилини бундай ҳақоратлаши учун қай даражада тубан бўлиши керак? Афсуски, орамизда шундай инсонлар борлиги ачинарли ҳолат.

Оммавий ахборот воситалари орқали Россия Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Мария Захарованинг Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан ўзбек тилига дахлдор қонун лойиҳаси муҳокамага киритилишига доир муносабати эълон қилинди. Шундан сўнг, ўзбек зиёлилари ва давлат арбоблари томонидан ижтимоий тармоқлар орқали Захарованинг “Ўзбекистонда давлат тилида иш юритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси”га билдирган фикрлари асосизлиги бўйича турли фикрлар ва муносабатлар билдирилди. Феруза Муҳаммеджонованинг Мария Захаровага рус тилида қайтарган жавобини ўқиб, ўзбек эканлигимдан ҳамда миллатимизда шундай зиёли инсонлар борлигидан фахрландим.

Фарзандларимизни ўз она тилига меҳр ва садоқати эътибор билан тарбиялашни мақсадга таълим муассасаларидан бошлашимиз, таълим муассасаларида тил таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Бу еса ҳар биримиздан фойдалиқни талаб қилади.

**Ш.ҲАЙИТОВ,**  
Навоий шаҳар ҳокимининг  
маслаҳатчиси

Айни вақтда ҳудудларда коронавир инфекцияси тарқалишини камайтириш ҳамда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Албатта, давлатимиз илк эътиборини халқимиз саломатлигига қаратмоқда. Лекин пандемия шароитида, тан олишимиз керак, соғлиқ учун етарли озиқ-овқат захираси, иммунитетни мустаҳкамловчи витаминга бой неъматлар керак. Хўш, бундай захирани ким беради? Яна таъкидлашдан чарчамайман: фермеру деҳқонлар, томорқачилар, миришкорлар...

## Бизга захирани ким беради?

Тўғри, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор ҳудудларда иқтисодий прогнозлар бажа-рилмади. Айрим вилоятларда

илгор усулларда қўллаш лозим. Мана шу масалаларни бартараф эта олсак, Президентимиз қайд этганларидек, йил якунига қадар ҳудудлар салоҳиятини инobatта олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 3-4 фоизга ошириш мумкин.



Бугун деҳқон бозорларимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлалигидан кўнглимиз тўқ. Ана шу кўнгли тўқликни пандемия шароитида сақлаб қолишимиз зарур. Демак, яна масъулият деҳқонларимизга, фермерларимизга, миришқору томорқа эгаларига тушади. Уларнинг заҳматли меҳнатлари туфайли озиқ-овқат захираларимизга ҳар доим уч ойлик мадад кучи бор. Олдимиздаги муҳим шарт шуки, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида одамларимизни имкон қадар ердан унумли фойдаланишга, такрорий экинлар экилишини мунтазам олиб боришга, ҳатто қишда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ташаббускор лойиҳалар ишлаб чиқишга қаҳқиримиз, жоиз бўлса, кўмагимизни аямаслигимиз керак. Энг муҳими, сайловчиларимизга шундай оғир паллада елкалош бўлиш, керакли ёрдамларни бериш, оиласига даромад олиб киришига кўмаклашиш орқали уларнинг биз депутатларга бўлган ишончини янада ортишига эриша оламиз.

**Барно МИРЗАМОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати

### Ҳамдарлик

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси Марказ директорининг маъбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фулом Мирзаевга укаси **Ҳошим Мирзаев**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўша пайтлар бу ривоятнинг асл мазмунини у қадар англамаган бўлсам-да, бироқ умрим давомида ҳаёлимдан чиқмади. Йиллар ўтгани сари ҳар гал бу ривоятни эслганимда ўзим учун янги мазмун кашф этаман. Бола тарбиясига у онасининг қорнидалигидек эътибор қаратиш лозимлиги, ташқи оламда рўй бераётган ҳар бир ҳолат, оиладаги маънавий муҳит она-си орқали ҳомилага етиб бориши ва унда шаклланаётган миёга ўз таъсирини ўтказиши буларнинг барчаси назарда тутилган. Бу ривоятдан бугун яна бир мазмун кашф этдим.

Халқимиз беэизга инсон учун қадрли бўлган жуда кўп атамаларни она билан боғламаган экан. Она Ватан, она юрт, она тупроқ, она табиат, она замин, жумладан, она тили ҳам бу рўйхатдан жой олган. Ушбу атамалар инсон вужудига ҳали туғилмасиданок, она қорнидалиқ пайтидан бошлаб сингиб боради.

Энди бир таҳлил қилиб кўрайлик. Бугунги кунда фарзанд тарбиясига қайси пайтдан бошлаб ва қай даражада эътибор қаратаёلمиз? Хусусан, она тилимиз тарбиясига тўхталадиган бўлсак, бу борадаги баъзи ҳолатлар инсонни чуқур мулоҳаза қилишга мажбур қилади. Ўзини “европалашган оиламиз”, деб атайдиган, ё бўлмаса, ҳар гапининг бирида русча атамалар қўшиб гапирадиган “замонавий” оналар фарзандига қандай қилиб тил тарбиясини бериши мумкин?

Фарзанднинг тил ўрганиши учун борлигини бахшида қиладиган ота-оналарни яхши тушунаман, бироқ бошқа тилни ўрганиш мобайнида ўз тилини унутаётган ёшлар тақдирини нима бўлади? Ўзбек бўла туриб, ўз фикрини ўз тилида ифодалай олмайдиганлар жамиятимизда қамми?

Асосий меҳнат фаолиятим таълим билан боғлиқ бўлга-

ни учун “Боламини рус боғчага беришим керак” ёки “боламини рус мактабга бераман” деб мурожаат қиладиган ота-оналарни кўп учратдим. Уларнинг аксарияти “нега ундай қилмоқчисиз?”, деган саволга аниқ жавоб бера олишмайди. Уларнинг берадиган мантиқсиз жавобларидан шунга аниқлаш мумкинки, гўёки, боласини рус тилига мослашган

**Назаримда, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг тилимизнинг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш борасида олиб бораётган ислохотлари замирида ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўзбек тилига бўлган меҳр-муҳаббатини юксак даражага кўтариш ва бу орқали ўз миллатига ва ўз ватанига садоқат руҳида тарбиялаш вазифаси ётади.**

боғчага берса, ёру-дўст, таниш-билишлар орасида обрў қозонади. Фарзандининг ўз тилини унутиши мумкинлиги, тилини унутиш ўзлигини унутиш эканлиги ҳаёлининг бир чеккасидан ҳам ўтмайди.

Фарзанднинг болалигидан тил ўрганишини истаб рус ва бошқа тилларга мўлжалланган мактабгача ёхуд умумтаълим муассасаларига мурожаат қиладиган ота-оналарни танқид қилишдан йироқман. Албатта, хорижий тилларни билиш ҳар бир инсон учун керак, деб ҳисоблайман, лекин буни ўз она тилини унутиш эвазига амалга оширишга қаршиман. Она тилини унутиш — ўз онасини унутиш демак. Она тилини унутиш — Ватанини унутиш демак. Она тилини унутиш — ўз миллатини унутиш демак. Она тилини унутиш, охир оқибат ўзлигини унутишдир.

Назаримда, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг тилимизнинг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш борасида олиб бораётган ислохотлари замирида ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўзбек тилига бўлган меҳр-муҳаббатини юксак даражага

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ярим йилда 122 мингдан ортиқ ишни кўриб чиқди.



# Давлат хизматлари марказими, “Ягона дарча”?

**Бу бор гап! Кўпчилик Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари марказларини ҳали ҳам халқона ва жайдари тилда “Ягона дарча”? деб аташади. Баъзида марказларни расман аталганини ҳали ҳам фуқароларимиз тилларига “ўзлаштириб” олмаганидан ўйга толсангиз, яна бир жиҳатдан хурсанд ҳам бўласиз.**

Чунки кўп йиллар давомида халқимиз ҳужжатлар билан боғлиқ масалаларини ҳал қилишда ягона тизим йўқлигидан азият чеккан. Оддий маълумотнома ёки тадбиркорлик ишини бошлаш учун узоқ муддат эшикма-эшик сарсон бўлганини бошига тушганлар яхши билади. Балки мана шу коррупцион ҳолатларга узил-кесил барҳам бериш мақсадида илк бор “Ягона дарча”лар тизимда “туб бурилиш” ясашга асос бўлгандир... Кейинчалик Давлат хизматлари марказларининг ташкил қилингани боис халқимиз ва ишбилармонларимизнинг елкасига офтоб тегди. Ишлари ва юмушлари санокти дақиқаларда битадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг тегишли Дав-

лат хизматлари ягона реестри тасдиқланган. Мазкур реестрда 716 турдаги давлат хизматлари келтириб ўтилди.

Ушбу реестрда яқин келажақда ташкил қилиниши кўзда тутилган давлат хизматларининг 130 турдан ортиги аллақачон амалда. Қолган давлат хизматларининг жорий этилиши эса мамлакатимизда босқичма-босқич йўлга қўйилади.

Биргина Фарғона вилоятида жорий йилнинг олти ойи давомида аҳолига кўрсатилган хизматлар сони 453 минг 956 тани ташкил қилди. Бу эса кундан-кунга давлат хизматларига бўлган талабнинг ортиб бораётганидан далолат.

Кўрсатилган давлат хизматларининг статистик ҳисоботларига эътибор берадиган бўлса, Фарғонада энг кўпи солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)ни аниқлаш, олиш ва ўзгартириш

— 118 минг, болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш — 34 минг электрон рақамли имзо сертификати бериш — 44 минг, шунингдек, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш — 21 мингтани ташкил этмоқда.

Марказлардан 20-50 километр узоқликда жойлашган ҳудудлардаги қишлоқ аҳолиси учун қулайлик яратиш мақсадида ташкил қилинган 4 та Марказ филиаллари томонидан 1 минг 223 та давлат хизматлари кўрсатилди. 2020 йилда яна 6 та шундай филиаллар ташкил қилиш режалаштирилган. Олис, қатнов қийин, ноқулай бўлган қишлоқ ва маҳаллаларда сайёр хизматлар ташкил этилди.

Амалга оширилган ишларга қарамай, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида баъзи қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, улар юзасидан тегишли таъсир чоралари қўланилди.

Давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматларини ўз вақтида жорий этиш чораларини кўрмаганлиги учун Агентлик томонидан Транспорт, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ахборот ва оммавий коммуникациялар

агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурга бозорини ривожлантириш агентлигининг бир қатор масъул ходимлари маъмурий жавобгарликка тортилди. Хусусан, 2020 йил давомида жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида жами 1 минг 247 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Уларнинг аксарияти — 211 таси кадастр, 68 таси газ таъминоти, 425 таси ичимлик ва иссиқ сув таъминоти, 70 таси электр таъминоти идораларининг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан ваколатли идораларга 36 та тақдирнома, 109 та оғоҳнома киритилди ва 80 та маъмурий жарима қўлланилди.

Бундан ташқари, давлат хизматлари кўрсатиш жараёни устидан қатъий назоратни кучайтириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юборилган аризаларни кўриб чиқишда ваколатли органлар томонидан қонун бузилиш ҳолатига йўл қўйилган тақдирда фуқаролар мустақил равишда Агентликка хабар бериши имконияти яратилган.

Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган аризаларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик ёки ноқонуний рад қилиш ҳолатларини dxa.gov.uz электрон тизимда онлайн равишда акс эттириш тартиби яратилди.

Элёржон ЭҲСОНОВ

# Нутқингизни қоғозда қолдирманг!

**Бугунги кунда ҳаётимизнинг ҳар бир жаҳасига кириб боришга улгурган инглиз тили элларни элларга боғловчи кўприк мисоли гўё. У халқаро мулоқот тили бўлиш билан бирга, БМТнинг олти расмий тили қаторига ҳам киргани кўпчиликка маълум. Глобаллашув жараёнидан четда қолмасликни, замон билан ҳамнафас бўлишни истаган ҳар бир киши ушбу тилни ўрганиши керак. Шу сабаб бутун дунёда уни ўрганишга бўлган талаб доим жуда юқори бўлган.**

Хусусан, юртимизда ҳам сўнги йилларда кўпгина таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишга катта эътибор қаратилмоқда. Аммо бу жараёнда аксарият ҳолларда ёзма нутқни ўзлаштиришга кўпроқ аҳамият берилади. Турли назорат ишларини бажариш, олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларида ёзма нутқ бирламчи ўринда туради, ўқувчидан кўпинча фақат тест саволларига жавоб бериш талаб этилади. Табиийки, таълим жараёни ҳам шу йўналишда ташкил этилади. Ўқувчининг оғзаки нутқи, у хорижий давлат фуқароси билан бемалол суҳбатга кириша олиши кераклиги эса эътибордан четда қолади. Ҳолбуки, тил ўрганишдан мақсад, шу тилнинг “асл эгалари” билан мулоқотга киришиши, бу забонда ёзилган билмиларни эгаллаш бўлмайdimи? Шундай

экан, ўқитувчи ўқувчининг оғзаки нутқини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратиши, фақатгина сўз ва ибораларнинг фонетик талаффузи, интонацион хусусиятларини эмас, балки каерда ва қандай ҳолатда қайси сўзни қўлашгани ҳам ўргатиши лозим, бизнингча. Ҳақиқий мулоқот бу яна новербал белгилар ҳамдир. Бу эса тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, сўзлашув услубини ўрганишни талаб этади. Хорижий давлат маданиятини ўрганиш ўқувчиларда ўша давлат тилини осонроқ ўзлаштириши учун катта мотивация бера олади ҳам.

Албатта ҳар қандай ютуқ ҳам, камчилик ҳам бир кишининг меҳнатига боғлиқ бўлмайди. Яъни ўқувчида оғзаки нутқни шакллантириш учун таълим муассасалари аудиоматларни эшитиш, видеороликларни то-

моша қилиш учун зарур техника воситалари билан таъминланиши ҳам лозим. Шунингдек, масаланинг фақат техник-ташқилий томони билан чекланмасдан, психологик ёндашувни ҳам унутмаслик лозим. Мазкур масалада ўқитувчи ўқувчига “ўқитувчи” сифатида эмас, ўзига хос “суҳбатдош”, “маслаҳатчи” сифатида ёндашиши лозим. Сабаби ўқувчи ҳали янги, яхши ўзлаштирилмаган тилда сўзлашиш чоғида ўзида ишончсизлик ҳис этади. Бу вазиятда ўргатувчининг хатоларини кескин изоҳлаш, охиригача эшитмаслик унда ўзига бўлган ишончини янада сўнишига олиб келади. Бунинг ўрнига ўқитувчи ўқувчиларнинг мулоқотга кириши олиши учун шароит яратиши, уларни янги тилга қизиқтириши, интерфаол усуллардан фойдаланиши зарур.

Инглиз тилида оғзаки нутқни ривожлантириш учун, асосан, қуйидаги 15 усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ; янги сўзларни ўрганиш; синонимларни ўрганиш орқали нутқни жонлантириш; ибораларни ўрганиш ва қўлаш; сўз захирасини фаоллаштириш; жумлани маъносини бузмаган ҳолда ўзгартиришни ўрганиш; савол беришни ўрганиш; талаффуз устида ишлаш; аудиоматларни тинглаш; видеороликлар томоша қилиш; қўшиқ айтиш; ўқиш; сўзлаб бериш; ўз овозини эзиб олиш; кўпроқ сўзлаш; суҳбат учун шерик топиш; фақат назар билан чекланмаслик.

Дарҳақиқат, оғзаки нутқни ривожлантиришда фақат наза-

рия билан чекланиб қолиб бўлмайди. Шу ўринда айнан амалий ҳаракатлар билан инглиз тилини ўргана олган, бу йўналишда катта ютуқларга эришган (хусусан, IELTS бўйича катта балларни қўлга киритган) бир неча ёшларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети битирувчиси Далер Акрамов шундай дейди:

“Оғзаки нутқни ривожлантиришда энг муҳими бу жонли мулоқот, бир хил мақсадга эга — инглиз тили бўйича билмиларини ошириш истагида бўлган турли нутқий даражадаги тенгдошлар билан суҳбатлашиш.

Шахсан менга ёрдам берган усуллар:

Ўқиш. Шунчаки эмас, овоз чиқариб ўқиш. Бу нутқни ривожлантиришга, оҳанг ва интонацияни машқ қилдиришга ёрдам беради. Ўқитган чоғимда янги сўзларни бирор тасвир орқали эзиб қўйишга ҳаракат қилганман.

Сўзлаб бериш. Ўқилган матнни имкон қадар кўп марта гапириб бериш. Бу ҳам хотирани мустаҳкамлайди, ҳам жумланинг тизилишини эслаб қолишга ёрдам беради. Шунингдек, турли матнларни сўзлаб бериш чоғида янги сўзлар захираси пайдо бўлади. Улар айтиш мавзуга хос бўлиши мумкин ва уларни эслаб қолмасдан матнни сўзлаб беришнинг имкони бўлмайди. Шунинг учун уларни эслаб қолишга ҳаракат қилардим”.

Ушбу олий таълим муассасасининг яна бир битирувчиси Зебо Равшанбекова ҳам ўзининг қуйидаги тажрибалари билан бўлиши:

“Аввало, тил ўрганишга кат-

## Мутахассис изоҳи

та қизиқиш бўлиши керак, яъни уни кимдир мажбур қилиб ўргатмаслиги керак. Мен тилни яхши ўзлаштириш учун инглиз тилидаги фильмларни жуда кўп томоша қилганман. Картинада кўп такрорланган ибораларни таржима қилиб, ўзим ҳам ишлатишга ҳаракат қилардим. Одамлар билан кўпроқ инглиз тилида гаплашардим. Қўшиқ эшитиб, бирга киргойи қилардим. Энг муҳими, гапнинг конструкциявий тизилишини эслаб қолиш: От+фезл”.

Юқоридагилардан кўринадики, ҳамма учун тил ўрганиш усуллари индивидуал. Аммо кўпчилик таъкидлайдиган усуллар бу сўзлар ва ибораларни ёд олиш ҳамда кўпроқ мулоқотга киришидир. Турли аудиоматлар, подкастлар, видеороликлар тилини исталган жойда, хоҳ уйда, хоҳ кўчада бўлсин ўрганишга имкон беради. Таълим муассасасидаги назарий дарсларга қўшимча равишда тилни ўрганиш учун интернет тармоғида ресурслар ҳам бисёр. Бунинг учун энг муҳими истак ва аниқ мақсад бўлса қифоя. Шунда сиз ўзининг гапиришни истаган тилингизда кўп вақт ўтмай сўзлаша олишингиз, ўз дунёёнигиз учун янги оламларни кашф қилишингиз мумкин бўлади. Янги оламлар эса, янги билмилар, янги дўстлар ва янги фикрлар дегани. Шундай экан, нутқларингизни фақат қоғозларда қолдирманг, аксинча янги тилда сўзлашинг!

**Бўринош УМБАРОВА,  
Рыно КҮШҚУЛОВА,  
Гулистон ҚУВВАТОВА,  
Сурхондарё вилояти  
Ангор туманидаги  
1-мактаб инглиз тили  
фани ўқитувчилари**



Наманганда “Changan” кичик юк автомобиллари ишлаб чиқарилади.

# Инсоф борми, “аптекачилар”?

Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан уй шароитида даволаниш учун тавсия этилган дори воситаларнинг республикамиз дорихоналарида мавжудлиги ҳамда уларнинг сотувдаги нарх-навоси тўғрисидаги ҳолат бўйича бугун ижтимоий тармоқларда турли гап-сўзлар айланиб юрибди. Бундай вазиятлар Федерация томонидан жамоатчилик назорати тартибидан доимий ўрганиб борилади, натижаларидан эса кенг жамоатчилик хабардор қилиб борилади.



мингдан 282 минг сўмгача сотилмоқда.

Бухоро вилояти ҳудудидаги дорихоналарда “Плаквенил”, “Лопинавир/Ритонавир”, “Ремдесивир”, “Умифеновир” ҳамда “Фавипиравир” дорилари сотувда мавжуд эмас. Фақатгина “Азитромицин” дориси сотувда мавжуд бўлиб, мазкур дори нархи 4500 сўмдан 15000 сўмгача.

Жиззах вилояти ҳудудидаги дорихоналарда ҳам фақатгина “Азитромицин” сотиладиган мавжуд. Мазкур дори вилоят дорихоналарида 5 минг сўмдан 8 минг сўмгача сотилмоқда.

Қашқадарё вилояти ҳудудидаги дорихоналарида олиб борилган ўрганишлар натижасига кўра, “Плаквенил”, “Лопинавир/Ритонавир”, “Ремдесивир”, “Умифеновир” ҳамда “Фавипиравир” дорилари умуман сотувда мавжуд эмаслиги, мавжуд бўлган “Азитромицин” дориси ишлаб чиқарилган мамлакатга кўра нархида фарқланади. Мазкур дори воситаси 4 мингдан 38 минггача сотилмоқда. “Плаквенил”, “Лопинавир/Ритонавир”, “Ремдесивир”, “Умифеновир” ҳамда “Фавипиравир” дорилари вилоят ҳудудидаги дорихоналарга сўнги уч ойдан бери сотувга олиб келинмаётганлиги аниқланди.

Республикамизнинг қолган ҳудудларида ҳам шунга ўхшаш жараён бўлиб, “Плаквенил”, “Лопинавир/Ритонавир”, “Ремдесивир”, “Умифеновир” ҳамда “Фавипиравир” дорилари сотувда мавжуд эмас. Сўн-

ги уч ойдан бери тарқатувчи корхоналар томонидан етказиб берилмаяпти.

“Азитромицин” дори воситаси Навоий вилоятининг дорихоналарида 4 мингдан 12 минггача сотилаётгани, айрим дорихоналарда умуман қолмагани кузатилади. Наманган вилояти ҳудудидаги дорихоналарда 5 минг сўмдан 12 минг сўмгача, Сурхондарё вилоятида 5 минг сўмдан 12 минг сўмгача, Сирдарё вилояти дорихоналарида 6 минг сўмдан 40 минг сўмгача, Фарғона вилоятининг дорихоналарида 4 мингдан 36 минггача, Хоразм вилоятида эса 4800 сўмдан 34000 сўмгача, Тошкент вилоятида 4500 сўмдан 40000 сўмгача, Тошкент шаҳрида 6 мингдан 35 минггача сотилаётганлиги аниқланди.

Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги “Голден Азия Фарм” корхонасига қарашли дорихонада “Плаквенил” дориси 234 минг сўмдан сотилаётганлиги кузатилади. Унинг захираси ҳам 40 дона қутидан иборат.

Федерация томонидан жамоатчилик назорати тартибидан covid 19 инфекциясини уй шароитида даволаш учун зарурий дори воситалар нарх-навоси доимий ўрганиб борилади ҳамда бу борада кенг жамоатчилик хабардор қилинади.

**Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Матбуот хизмати**

Айнан юқоридаги масала юзасидан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Республика махсус комиссияси томонидан уй шароитида covid — 19 инфекциясини даволаш учун тавсия этилган “Азитромицин”, “Плаквенил”, “Лопинавир/Ритонавир”, “Ремдесивир”, “Умифеновир” ҳамда “Фавипиравир” дориларининг дорихоналарда сотувда мавжудлиги, уларнинг нархи юзасидан жамоатчилик назорати тартибидан мониторинг ўтказди.

Айнан юқоридаги масала юзасидан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Республика махсус комиссияси томонидан уй шароитида covid — 19 инфекциясини даволаш учун тавсия этилган “Азитромицин”, “Плаквенил”, “Лопинавир/Ритонавир”, “Ремдесивир”, “Умифеновир” ҳамда “Фавипиравир” дориларининг дорихоналарида сотувда мавжудлиги, уларнинг нархи юзасидан жамоатчилик назорати тартибидан мониторинг ўтказди.

Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг туман (шаҳар)ларида фаолият кўрсатаятган дорихоналар танланма усулда ўрганилганда мазкур дорихоналарда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан тавсия этилган дориларнинг атиги биттаси “Азитромицин” сотувда мавжуд эканлиги, 6 мингдан сўмдан 30 минг сўмгача сотилаётганлиги маълум бўлди. Қолган турдаги дорилар сотувда мавжуд эмас.

## “Оббў, бир кўшиқ эшитаман дегандим...”

**Ҳозир айни деҳқоннинг иши кўпайган вақт. Шундай кўшқни кунларда шопикорлар сув пойлаб юришади. Ахир, шопи то пашмагунча сувда туриши керак-а. Бизнинг оиламиз ҳам шопикор бўлгани учун туну кун меҳнат қиламиз. Бир кун отам даладан сап эртароқ келади. Қиравий кечки таомни таянову қилиб, дуо ўқилганидан сўнг телевизорни ёқдик. Бизнинг уйда одат шуки, дастурхон бошида телевизор ёқилмайди. Момон “Дилбўзарга қарайсанми, овқатингни ейсанми?”, деб қойиб қолади...**

Адашмасам, далам ўшанда “Наво” каналини қўйиб, кўшиқ эшитамиз, деди. Ишдан чарчаган вақтда яхши кўшиқ эшитиш руҳингизни яйратади, чарчоғингизни ариатади. Телеканалда ёш хонандалардан бири кўшиқ айтаётгани. Очиғи, кўшиқ (шундай аташ мумкин бўлса) муаллифига эътибор бермадим. Унинг сўзлари эътиборимни тортди:

*Айтчи, бормиди бошимга шундай савдолар?  
Раиш аталмиш бедаво дарддек битмас гавғолар.  
Кўнгул бир сани билса-ю, ўзгани демаса,  
Ғиди-биди қилаверма, гўзалим, сан оббў.*



*Эй сўзи ширин, қоши қалам,  
Санга ошқман, қайданам.  
Эзмаланма, оббў, эрқаланма, оббў.  
Лаблари қулупнай мани гўзалим,  
Ойданам гўзалсан, оббў  
Бунча инжиқсан, оббў.*

Кўшиқни эшитганимиздан кейин бир лаҳза сукут чўкди-ю отам “Оббў, бир кўшиқ эшитаман дегандим, шундаям кўшиқларнинг “оббў”сини эшитиб ўтирибман-а...”, деб ҳазил қилди. Ҳазил қилишга қилдию ўзи қулмади.

Шунда ўйлаб қолдим, юқоридаги эфирга узатилган кўшиқнинг сўзларини шерь деса, бўладими? Одатда маъноли, савияли шерьлар кўшиқ қилинмаслиди? Ёки ҳозир замон ўзгарган деб, санъатдаги манتيқ бемаънилик билан ўз жойини алмаштирганми? Од-

дий ўқувчи ёки бир деҳқоннинг боласи сифатида “ғиди-биди”, “оббў”, “эзмаланма, эрқаланма”, “инжиқ” сўзларини, “лаблари қулупнай” ўхшатмасини эшитиб ва шуни санъат ёки маънавият деб қабул қилаётган тенгдошларимнинг ҳоли не кечадий?

Мабодо, бу кўшиқнинг сўзларини эшитиб қулган тақдиримда ҳам ҳордиқ чиқараётганим учун эмас, балки, шу матнни шерь деб ёзган шоирнинг, кўшиқни халққа тақдим этган телевиденининг, эфирга узатишга лойиқ, деб қарор чиқарган муҳаррирнинг ёки бадиий кенгашининг устидан қулдим.

Унутманг, халқимиз миллион-миллион пул харжлаб, олаётган клипларингиздаги бетайинликни кўришни эмас, кўшиқ эшитишни хоҳлайди. Яна бир гап, айни пайтда масъул лавозимдагиларнинг аксариятини катта ёшлilar ташкил этади ва тайин-тутруқсиз кўшиқларни эфирга узатишда ҳам уларнинг ҳиссаси катта, аммо “Ёшлар одобиз, ёшлар тарбиясиз”, деб бонг ураётганлар ҳам айнан ўшалар, муҳокамага бой ўтадиган кўрсатувларда ўз исботини топмоқда.

**Ёрқинжон ҲАЙТБОВЕВ,  
Гулистон давлат университети талабаси**

**ЖАМИЯТ**

Муассислар:  
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотариот ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.

**Бош муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Рустам Комилов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Раҳмат Маматов  
Нуриддин Убайдуллаев  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Ақтам Ҳайитов  
Адхам Икромов

Газета таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-714 Аҳдди: 1151.  
Жума кун чикади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Баҳоиси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.  
ISSN 2010-7722

**Навбатчи:** Дилбар Маҳмудова

**Дизайнер:** Беғали Эшонқуллов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта: jamiyat@umil.uz  
Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ” дян олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
УЗА яқини:  
Топширилган вақти: 16:45

1 2 3 4 5 6



Давлат мудофаа саноати қўмитаси TARLON (4×4) русумли енгил зирхли автомобилнинг таҳриба намунасини ишлаб чиқарди. Автомобил 9 кишини сиғдириб, 7 дона ўқ отиш туйнукларига эга.

# Узингизни асранг, қадрдон!

**Вазият ҳаммага маълум. Ҳар кунлик хабарларни кузатиб бораемиз. Тиббиёт тизи-мида қанча ўзгаришлар қилинмасин, шифокорлар ҳам, шифохоналар ҳам босим билан ишлаётгани аён. Ҳозирги шароитда биздан ўзимиз, оиламиз саломатлигига эътибор бериш қолди.**

Ҳар кун айтилаётган гап бўлса ҳам ўз соғлигимизга, ота-оналаримиз ва фарзандларимиз саломатлигига безътибор бўлмайлик. Дўконга чиқсам ёш болаларни кўрайман. Болани меҳнатга, савдо-сотиққа ўргатиш яхши. Лекин бугунги вазиятда эмас, азизлар! Уларнинг соғлиги барча нарсадан устун.

Ийрик савдо дўконларида иситма ўлчанади, қўлга антисептик ишлов берилиб, бир марталик қўлқоплар тарқатил-ляпти. Бу савдо маданияти. Биз ундан қандай фойдаланяемиз? Дўкондан чиқиши билан бир марталик қўлқоплар ва савдо чеки ахлат қутисига етиб бормай қўчуга улоқтириляпти. Кўчалар бўйлаб ишлатилган нам сочиқлар, ҳар турдаги елим қопчиқлар кўпайиб кетган.

Ҳар кун тиббиёт тизими

тўғрисида танқидларга дуч келяемиз. “Тез ёрдам” кечики-шини ёзириб чарчамдик. Ўзимиз ҳам касал бўлишдан олдин олдини олайлик. Чунки вазият оғир. Фарзандимизни дўконга чиқаришдан кўра уйда қолиши хавфсизроқ. Кўчалар тоза бўлса, ўзимизга яхши. Ахир кўча супурувчилар ҳам юртдошларимиз. Уларнинг ҳам соғлиги жамият учун муҳим.

Атрофимизда дорихоналар кўп. Қайси-га кирмайин навбатда ту-

ришга тўғри келяпти. Кимдир профилактика учун, кимдир беморлиги учун дорига юрган. Икки метрлик масофани сақлайман десангиз ўрдадан ўтиб, навбат тартибини бузиб дорихонага кириб кетаётганлар бор. Тўғри, шошилинч дори керакдир, оғир касали бордир, деб тушунишга ҳаракат қиламиз. Лекин на узр сўралади, на рухсат...

Мана шу жуда оддий тартибларни ўзимиз бузаяемиз, ўзимиз жамиятга ёрдам бериш ўрнига касаллик кўпайишига сабабчи бўляемиз. Ўзимиздан



ўтгани билинмайди. Танқидни баралла айтаяемиз.

Оддий, жуда оддий ишларни тўғри йўлга қўяемиз. Бизнинг соғлигимизни қўзлаб қилинаётган ишларни ўзимиз барбод қилмайлик. Болаларимизни биров асраб бермайди. Саломатлик издан чиқса, ўзимиз қийналамиз. Ўрнатаётган тартибларга риоя қилаемиз.

Биз шамоллаш деб атайдиган касалликлар совуқ туғайли эмас, вируслар натижасида юзага келади. Кичик вирус заррачалари организмга тушиб, кўпая бошлаганида касал бўламиз. Тана ҳароратимиз ошади, томоғимиз оғрийди, ҳолсизлик, тумов ва йўтал пайдо бўлади.

Соғлиқни сақлашнинг энг яхши йўли — вируслардан ҳимояланиш. Бунинг оддий профилактик усуллари мавжуд. Қанча кўп айтилаётган бўлса ҳам қўлларни тоза тутиш, қайта-қайта ювиш лозим. Асосан бурун ва томоқазият чекувчи шамоллашнинг қўлларга алоқаси йўқдек туюлади гўё. Аслида эса — тўғридан-тўғри алоқаси бор. Вируслар турли юзаларга, шу жумладан қўлларга жой-

лашиб олиб, осонликча организмга тушиши мумкин. Қўл энг кўп ювиладиган аъзо бўлса ҳам энг кўп қирланади. Шунинг учун қўл тегадиган эшик тутқичлари, чироқ ёқиш тугмаларини тез-тез совунли ёки антисептик сувда наманланган латта билан артиб турган яхши.

Ҳаво — вирус заррачалари инсондан инсонга ўтувчи муҳит. Бу агар ҳаво тозаланса, ифлосланиш хавфи камайдир. Ҳавони дезинфекция қилишнинг энг осон усули — уйни шамоллатиш. Иншоотдаги вируслар концентрацияси камайиши учун дезеранги очишнинг ўзи кифоя.

Вируслар уйдаги чангларида бир неча кунлаб яшаши мумкин. Намликни сақлашга доир оддий тозалаш ишлари уларнинг миқдорини қисқартиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳеч бўлмаганда, икки кунда бир уйда наманлатирувчи тозалаш ишларини ўтказинг.

Бугунги куннинг долзарб вазифаси саломатликни асраш. Вирус истиснони бермайди. Шундай экан, унга қарши биргаланиб озодалик ва тартиб билан курашамиз.

Ўзингизни асранг, қадрдон!

**Муҳиддин ТИНИБЕКОВ,**  
Факулдада вазиятлар ва-зирлиги академияси хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

**— Хўш, сизларни нима масалада чақирганимни яхши биласизлар-а?.. Бўлим бошлиқлигига кўрсатилаётган номзодни ҳар тарафлама муҳокама қилишимиз керак. Учаламиз бир фикрга келсак бошқаларга ҳам маълум қилсак бўлади. Тўғри-ми?..**

— Тўғри, бошлиқнинг гапини тасдиқлаган бўлди муовин секингина.

— Танланганлар, ўрганинлар деганимга анча бўлди. Аниқ хулосаларингизни ҳалитача эшитмадим. Нега бу иш чўзилиб кетяпти? Ўзи номзод йигитнинг билими қандай?

— Зўр. Институти имтиёзли тамомлаган, деди муовин сал дадилланиб.

— Унақа қизил дипломларинга ош пишмайди, ситтаб ташлади раҳбар. Бир нималар ёзиб-чизишни эплайдими?

— Албатта. Хўжатлари билан танишдик. Суриштирдик. Суҳбатлашиб ҳам кўрдик.

— Суҳбатингиз ўз йўлига. Оғзакидан бешу ёзувдан саводи мундайроқлар ҳам кўпайиб кетди ҳозир.

— Йўқ, ёзув-чизуви ҳам бинойидек. Анчадан буён ҳисоботларни тайёрлашни уйдаяпти. Ҳар қалай, бу иши бўйича бошқармадан ҳеч эътироз эшитганимиз йўқ.

— Компьютерничи, биладими? Ҳозир бусиз мумкин эмас, ахир.

— Ҳа, албатта. Зўр биледи. Ёшларга ўргатайтим.

— Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айриллар, дейдилар. Бўлимнинг ўзига яраша ҳисоб-китоби бор. Бу томонини

ҳам эплайдими?

— Баюдай эплайди, — қувватлади бош муҳандис. — Калласи компьютердай ишлайди.

— Демак, яхши экан. Тасдиқласак бўлаверди, шундайми?

— Шундайликка шундай. Лекин... яна ўзингиз биласиз, — деди муовин талмовсираброк.

— Ҳа, дарвоқе, — деди бошлиқ бир нима эсига тушгандай, — ахлоқда муаммолар чиқиб қолмайдими? Кейин, мабодо, бошимиз галвадан чиқмай қолса, жавоб берасизлар.

— Йўғ-э. Хулқ-атвори наму-



на-ли деса ҳам бўлаверди, — деди бош муҳандис номзодни қўллагандай руҳда. — Кат-

## “ҚУСУР”

**— Йўқ, ёзув-чизуви ҳам бинойидек. Анчадан буён ҳисоботларни тайёрлашни уйдаяпти. Ҳар қалай, бу иши бўйича бошқармадан ҳеч эътироз эшитганимиз йўқ.**

та-кичикнинг ҳурматиниям, урф-одатларимизнинг жойига қўяди.

— Нутқичи, нутқи? Тўртта одамнинг олдига чиқиб икки оғиз сўз айтишни эплайдими ишқилиб?

— Гаплари худди суҳандонларникидек, — гапини яна илб кетди муовин дадилроқ. — Бу томондан, ҳавас қилгулик.

— Ҳа-а. Одамлар, ҳамкасблар билан муомаласи қанақа? — ўсқоқчилаб суриштиришда давом этди бошлиқ.

— Гап йўқ, Рисоладагидек, — таъкидлади бош муҳандис муовинга бир қараб олиб. — Салом-алиги, хушмуомаласи билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган.

— Ўз устиде ишлашини ҳам кузатгандирсизлар?

— Албатта-да. Тинимсиз изланади. Кўп ўқийди. Соҳамиз бўйича чет тилидаги адабиётларни ҳам ўрганапти.

— Ў-ҳў, ҳорижий тилни ҳам билар эканда унда?

— Яхшигина биледи. Чет эликлар келганда таржимонликни ҳам уйдаяпти-ку.

— Бўпти-да, унда. Сизлар иккаларингиз кафолат берсангиз мен нима ҳам дердим.

— Йўғ-э. Ахир ҳал қиладиган ўзингиз, — чайналди муовин. — Сиз нима десангиз шу, хўжайин.

— Нимага чайналасизлар? Талабни яхши биласизлар.

## Ҳажевия

Ҳамма томонлама муносиб бўлиши керак-да. Оиласида ҳаммаси жойидами?

— Жойида. Хотини ўқитувчи. Иккита фарзанди бор.

— Жамоат ишларида иштироки қандай?

— Жуда фаол, киришимли. Яхши ташкилотчи. Кўпчиликни ордидан эргаштира олади.

— Ҳалиги томонлари-чи?

— Қайси?

— Муомала қилиш...

— Айтдим-ку, жуда хушмуомала йигит.

— Э-э, уни сўрамаяпман. Олди-берди деган гапларни уйдаялдими?..

— Йўқ, унақага ҳуши йўқроқ. Ўзи-ям сизга шу тарафини айтолмай турувдик-да.

— Ие, бу ёғи қизик бўлди-ю?.. Эҳтимол ўрганиб кетар.

— Йўқ, ҳеч қачон. Йўлга солишга ҳаракат қилиб кўрганмиз, натижа чиқмаган. Ҳаромдан ҳазар, деб турлади.

— Ие?.. Шундай ажойиб йигит, шундай етуқ мутахассис-а?..

— Нимасини айтасиз. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деганлар. Сал бу томонларини ҳам ўрганинг, деб кўрдик. Етовимизга юрмади.

— Унта сиз-биздан битта жиз-биз яхши, деб уқтирдик. Йўқ, йўнилмаган таёқдек ўз билганидан қолмайди.

— Нима дейди?

— Нопок луқмадан сақласин... дейдимей...

— Бунақа феъли билан ўзига ўзи қилади-да. Оқибати аён. Шунча фазилатлари билан ўсмасдан қолиб кетади.

— Нимасини айтасиз?..

— Эҳ, аттанг. Шу қусури бўлмаганда... янги лавозимга тасдиқланиб кетарди-я!

Ҳабиб СИДДИҚ



Хоразм ҳокимининг аҳолига мурожаатидан сўнг вилоятга 20 та тез тиббий ёрдам машинаси олиб келинди.